Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 18 (9254). ● 1988 йил 26 январь ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

23 январда область партия-хўжалик активи йиғилиши бўлди. Унда қайта ишлаш саноати ва агросаноат комплекси озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш базаларини жадал ривожлантиришни таъминлаш юзасидан область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, РАПО советлари, район ва шаҳар халқ контроли комитетлари раислари, агросаноат ходимлари касаба союзи район комитетлари раислари, колхоз ва совхоз, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, савдо ташкилотлари, илмий муассасалар раҳбарлари ва партия комитетлари секретарлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ходимлари, область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари бошқармаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Актив йиғилишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов «Қайта ишлаш саноати ва агросаноат комплекси озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш базаларини жадал ривожлантиришни таъминлаш юзасидан область партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси партия бюроси секретари Д. М. Бикулова, «Ташмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Н. А. Муҳиддинов. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. Н. Журавлев, «Ташкентвино» комбинати технологи М. К. Отабеков, Тошкент область матлубот жамияти правлениеси раиси У. М. Мираюпов, «Ташмясо» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженерининг ўринбосари А. А. Абдурахмонова, Қибрай салқин ичимликлар комбинати директори Ғ. А. Одилов, Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз правлениеси раиси Р. Акбаров, Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари М. Л. Чумичев, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси партия комитети секретари М. А. Долгих, Калинин районидаги «Қорасув» совхози директори А. К. Абдувалиев, Тошкентдаги 4-нон заводи мастер—новвойи Р. Орлова, Янги Тошкент консерва комбинати директори А. И. Қосимхўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти З. С. Салимов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент области ва Тошкент шаҳрида 1988—1995 йилларда қайта ишлаш саноати корхоналари, тайёрлов ва савдо ташкилотларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлаш юзасидан ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни таъминлашга қаратилган программани, шунингдек 1988—1989 йилларда Тошкент область агропроми озиқ-овқат саноати учун ностандарт ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаш бўйича саноат корхоналарига топшириқларни маъқуллардилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. АЛИМОВ доклади

КПСС Марказий Комитетида 1987 йилнинг октябрида бўлиб ўтган кенгашда агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича партия ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди, деди докладчи.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг кенгашдаги нутқида ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг докладида яқин йиллар ичида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш тўғрисида партия олдинга сураётган муҳим талабни бир-бирига боғлиқ бўлган вазифалар комплексида кўриб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли тадбирларни оғишмай амалга ошириш қатори маҳсулотни йиғиб-териб олиш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда нобуд бўлишини камайтириш ҳозирги вақтда озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг реал манбаидир.

Мамлакат миқёсида ва жойларда партиянинг қайта ишлаш тармоқларини илдам ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш, халқ хўжалигининг бу муҳим тармоқларини ривожлантириш, қайта ускуналаш ва моддий-техника базасини чуқур реконструкция қилиш учун зарур чоралар кўриш лозимлиги кўрсатилди. Шу йўлда партия, совет ва хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар конкрет вазифалар кўйилди. Кенгаш якунларини амалга ошириш бўйича КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шунга қаратилган қарори қабул қилинди.

Область партия комитети бюроси партия комитетлари, совет органлари, агросаноат комплекси ва халқ хўжалиги барча бошқа тармоқларининг хўжалик раҳбарлари билан бирга бу муҳим муаммони чуқур таҳлил қилиш ва муҳокама этиш, ҳаракат қилишнинг аниқ программасини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш бўйича вазифаларни белгилаш ва тасдиқлаш учун ушбу масалани область партия-хўжалик активи муҳокамасига қўйишни лозим деб топди.

Бизнинг областимиз зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Агросаноат комплекси суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини band қилиб турган техника экинлари етиштириш қатори кўп миллионли аҳолининг эҳтиёжини мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек ҳар йили бундай маҳсулотларнинг анчагина қисмини Умумиттифоқ фондига етказиб беришга даъват этилган. Бунда шуни таъкидлаш керакки, колхозлар ва совхозларда экин майдонларини янада кенгайтириш имкониятлари деярли йўқ.

Область партия комитети шу хусусиятларни ҳисобга олиб, ўзининг амалий фаолиятида партия комитетлари, совет, хўжалик раҳбарлари, агросаноат комплексининг меҳнат коллективлари эътиборини партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари талабларидан келиб чиқиб Озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал қилишга қаратмоқда.

Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида ҳар йили йиллик ўртача ҳажмда давлатга топширилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка 1984—1985 йиллардагига нисбатан 10 процент, гўшт ва сут 7 процентдан кўпроқ, туҳум 1,3 баравар ошди.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари ҳам муайян даражада ривожланди. Ҳозирги вақтда 279 хил озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи кейинги икки йилда ўзлаштирилди. Ҳозирги вақтда ўсимлик мойи ва маргарин маҳсулотларининг 17 тури тайёрланмоқда, кондитер маҳсулотларининг тури кенгайди, болаларнинг пархез таомини ишлаб чиқариш бошланди. Виночилик корхоналари профилини ўзгартириш бўйича чоралар кўрилди. Бунинг ҳисобига мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш бешдан бир қисм, шарбатлар ва ичимликлар ишлаб чиқариш 1,3 баравар ортди. Ўтган йили область агросаноатининг қайта ишловчи озиқ-овқат корхоналари товар маҳсулотининг ҳажми 650 миллион сўмликка етди ва 1985 йилдагига нисбатан 38 миллион сўмлик ёки 6 процентдан ортиқ кўпайди.

Лекин саноат озиқ-овқат тармоқларининг қайта ишлаш корхоналаридаги иш аҳволини танқидий баҳолаб, шуни холисона қайд этиш керакки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эришилган даража аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминламаяпти.

Мамлакат қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш йўллари кўриб чиқилган КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда Ўрта Осиё республикалари бой хом ашё базасига эга бўла туриб, кондитер маҳсулотларининг катта қисми ва кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини бошқа республикалардан олиб келаётганлиги одилона танқид қилинди.

Бундай камчиликлар бизнинг регионда ҳам бор. Кейинги икки йилда ташиб келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бирмунча қисқарган бўлса ҳам, бироқ Тошкент ва областнинг савдо ташкилотлари маҳаллий ресурслар етишмаётганлиги учун ҳозиргача ҳар йили Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Закавказье республикаларидан 20 минг тоннагача кондитер маҳсулотлари, сабзавот-мева консервалари, шарбатлар, озиқ-овқат концентратларининг маълум қисмини ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Уларни ташиш учун ҳар йили салкам мингта вагон керак, харажатлар деярли 500 минг сўмни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати корхоналари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлай олмаяптиларгина эмас, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга тўғаноқ ҳам бўлиб қолдилар. Фақатгина 1986—1987 йилларда корхоналар плондагига нисбатан 22 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни, шу жумладан, 4,3 минг тонна ширинликлар, 8,4 минг тонна ўсимлик мойи, 1,4 минг тонна маргарин ва кўпгина бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари турларини кам бердилар.

Бунинг сабаблари аввало шундаки, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, область агросаноат комитети озиқ-овқат тармоқлари корхоналари томонидан маҳсулотни ассортиментда ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши устидан суст назорат олиб бормоқдалар ва уларнинг ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришни жадаллаштириш ва доим янгилаш масалаларини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Республика Давлат агросаноат комитети корхоналарини ҳам реконструкция қилиш учун капитал маблағлар ва моддий-техника ресурслари кам ажратилмоқда.

Масалан, ўтган йили Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси планга нисбатан 872 тонна маҳсулотни кам берди. Бу ерда асбоб-ускуналардан фойдаланиш коэффициенти бор-йўғи 83 процентни ташкил этди, амалда ҳар йили 3 минг тонна шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линия ишламади. Меҳнат унумдорлиги 1986 йилдагига нисбатан беш процентдан кўпроқ камайди, айни вақтда иш ҳақи 0,6 процент ошди. Ишнинг шундай аҳволини била туриб, Киров район партия комитети корхона партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш, коммунистларнинг куч-ғайратини мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтириш учун ўз вақтида чоралар кўрмади.

Янгийўл шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети озиқ-овқат саноати корхоналари билан қандай шуғулланишини бир кўринг-а. Шаҳардаги 3 та корхонанинг 2 таси ўтган йили планни бажармади.

(Давоми 2-бетда).

ЙИЛГА ЯКУН ЯСАЛДИ

СССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXVII съезднинг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи йилида ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ўстиришни ва унинг самарадорлигини оширишни таъминладилар, дейилади СССР давлат статистика комитетининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1987 йилги Давлат плани бажарилиши якунлари тўғрисидаги ахборотида. Халқ фаровонлиги ошди. Туб иқтисодий ислоҳот изчиллик билан амалга оширилди, янги хўжалик механизми жорий этилди.

Саноатда маҳсулот ҳажми ва меҳнат унумдорлиги белгиланган суръатларга мувофиқ ошди. Ёқилғи-энергетика ва металлургия комплекслари барқарор ишлади. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш жадаллашди. Агросаноат комплексида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари кўпайди. Капитал қурилишда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга ва реконструкция қилишга сарфланган маблағнинг улуши ошди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта ишлаб чиқаришни ўстиришнинг жами моддий ишлаб чиқариш тармоқларида band бўлган ходимларнинг сонини кўпайтирмай, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Беш йиллик планда 1987 йил учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини, колхозчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш, ижтимоий истеъмол фондларини кўпайтириш, уй-жой қуриш юзасидан белгиланган топшириқлар даражасига эришилди ёки ундан ҳам ошиб кетилди.

Айни вақтда халқ хўжалигининг айрим тармоқларида белгиланган топшириқларга нисбатан йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлинмади, ишлаб чиқаришни мутаносиб ва барқарор ўстириш таъминланмади. Фан ва техника ютуқлари халқ хўжалигига секинлик билан жорий этилмоқда. Машинасозлик ва енгил саноат ишини яхшилаш, айниқса маҳсулот сифатини ошириш соҳасида туб бурилиш рўй бермади. Аҳолининг молларга ва хизматларга бўлган талаби тўла-тўкис қондирилмаяпти.

Ҳосил қилинган миллий даромад салкам 600 миллиард сўмни (амалдаги нархларда) ташкил этди. Моддий чиқимларни тежаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш орқада қолганлиги, ташқи савдо тушумлари камайганлиги ва алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш камайганлиги сабабли миллий даромадни ўстириш суръатлари планда белгиланганидан камроқ бўлди.

БМТ методологияси асосида ҳисоблаб чиқарилган ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги барча корхоналар, ташкилотларнинг ва аҳолининг даромадлари жами миқдорини ва амортизация ажратмаларини характерлаб кўрсатувчи ялпи миллий маҳсулот аввалги йилга нисбатан 3,3 процент кўпайди.

Саноат маҳсулоти аввалги йилдагига нисбатан 32 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди ва 870 миллиард сўмликдан ошиб кетди. 220,1 миллиард сўмлик ёки ўн биринчи беш йилликда йилига ўрта ҳисобдаги кўрсаткичдан 9,3 процент кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олинди.

Халқ хўжалигида фойда кўпайди. Саноат маҳсулотининг, қурилиш-монтаж ишлари таннархи камайди. Бироқ айрим министрлик ва идоралар таннархни камайтириш топшириқларининг бажарилишини таъминламадилар. Саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг, пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг салкам чораги молиявий натижалар юзасидан белгиланган планни бажармади. Зарар кўрувчи саноат корхоналарининг улуши қариб 13 процентни ташкил этди.

Ташқи савдо обороти 128 миллиард сўмни, шу жумладан экспорт — 67 миллиард, импорт 61 миллиард сўмни ташкил қилди. 1986 йилга нисбатан ташқи савдонинг физик ҳажми бир процент ошди. Дунёда нархнаво пасайиб бораётганлиги унинг динамикасига салбий таъсир ўтказди. Натижада ташқи савдо ҳажми жорий нархларда бир йил ичида 2,2 процент қисқарди.

СССР территориясида чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда 23 та қўшма корхона ҳамда 14 та халқаро бирлашма ва ташкилот борлиги қайд этилди. Фан-техника тараққиётининг устун йўналишлари соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмалар давом эттирилди. Илм-фанга давлат бюджетидан ҳамда министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг маблағларидан қилинган харажатлар кўпайди.

Йил давомида химия, физика, медицина, механика ва бошқа фанлар соҳасидаги йирик ютуқларни акс эттирувчи 17 та кашфиёт рўйхатга олинди. Янги машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар, приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг уч мингтадан кўпроқ нусхаси яратилди.

Халқ хўжалигида 500 тага яқин илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, 23 та тармоқлараро фан-техника комплекси ишлаб турибди, янги техникани ишлаб чиқиш ва жорий этиш суръатларини қисқартириш шу бирлашма ва комплексларнинг бош вазифаларидан биридир. Ёшлар фан-техника ижодкорлигининг 70 тадан кўпроқ хўжалик ҳисобидаги маркази иш бошлади. Илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ва технология ташкилотларини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказишга тайёргарлик кўрилди.

Илмий ва илмий-педагог кадрлар сони 1,5 миллион кишидан ошиб кетди.

190,9 миллиард сўмлик асосий фондлар, шу жумладан 134,7 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди. Ишлаб чиқариш фондларининг умумий ҳажмида янги ишга туширилган ишлаб чиқариш фондларининг салмоғи 1987 йилнинг охирида 7,4 процентни ташкил этди.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун давлатнинг 43,5 миллиард сўм ёки аввалги йилга нисбатан 7 процент кўп капитал маблағидан фойдаланилди. Шу мақсадларга ажратилган капитал маблағлардан 103 процент фойдаланилди. Бу маблағлар умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи корхона ва ташкилотлар фондлари маблағидан иборат бўлди.

Машинасозликда юксак самарали маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процентдан зиёд кўпайди.

Агросаноат комплексида 1987 йили донли экинларнинг 31 проценти, қанд лавлагининг 82 проценти, кунгабоқарнинг 54 проценти интенсив технологиялар асосида етиштирилди.

Давлат қабули технология интизомига риоя этишга ва маҳсулот сифатига нисбатан талабчанликни оширди. Норматив-техникавий ҳужжатларга мувофиқ келмаганлиги сабабли 13 миллиард сўмлик маҳсулот камчиликлари тугатилиб, қайтадан тақдим этилганидан кейингина қабул қилинди. 53 миллион сўмлик маҳсулот бутунлай брак қилинди.

Саноат корхоналари ва бирлашмалари олий Сифат категориясида маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади.

Бўлтур янги ишга туширилган ва реконструкция қилинган ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш яхшиланмади.

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилди. Халқ хўжалигининг шу ресурсларга эҳтиёжлари ўсишининг 43 проценти уларни тежаш ҳисобига таъминланди.

Халқ хўжалигида band бўлган ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг ўртача йиллик сони 131,3 миллион кишини ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократиялашув жараёни кенгаймоқда. Саноатда 30 мингдан кўпроқ ходим, қурилишда салкам 6 минг ходим раҳбарлик лавозимларига меҳнат коллективлари томонидан сайланди.

Кооператив ва якка тартибдаги фаолият жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Кооперативларда ишловчилар сони йил охирига келиб салкам 150 минг кишини ташкил этди (йил бошида 15 минг киши эди).

Ишчи кучи кўпайган қисмининг ҳаммаси аҳолига хизмат килиш соҳасига юборилди. Ишлаб чиқариш тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқаларда) корхоналар ва ташкилотлардан ишловчиларни мутлақ бўшатиб олиш рўй берди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига 2,4 миллион кишининг меҳнатини тежаш таъминланди. Шу билан бирга, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида иш вақтининг зое ўтиши, меҳнаткашларни, жумладан қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиб, асосий фаолиятдан чалғитиш кўпайди.

Халқ хўжалигида band бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар сони 35 миллион кишига етди.

Ўтган йили 2,5 мингта саноат бирлашмаси ва корхонаси тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлади. Шу корхоналарда шартномавий мажбуриятларни эътиборга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 98,7 процент бажарилди ва умуман саноатдаги кўрсаткичдан юқори бўлди. Ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаган корхоналар меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаландилар ва ишловчилар сонини камайтириб, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминладилар. Умуман бу корхоналарда ишлаб чиқариш чиқимлари юқорирок суръатлар билан камайиб бормоқда. Шу билан бирга, хўжалик юритишнинг янги механизми афзалликларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади.

Агросаноат комплексида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш ҳамда корхона ва ташкилотларни бошқаришнинг демократик формаларини янада кенгайтириш мақсадида 49 та агросаноат комбинати, 14 та агрофирма ва 19 та агросаноат бирлашмаси ташкил қилинди.

Саноатда маҳсулот етказиб беришни ҳам ҳисобга олганда маҳсулот реализация қилиш плани 98,3 процент бажарилди. Бирлашма ва корхоналарнинг 23 проценти шартнома интизомини бузишга йўл қўйди (1986 йилда 27 процент эди). Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,8 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 4,1 процент ўсди. Фойда олиш кўпайди, саноат маҳсулотининг таннархи арзонлашди.

Ёқилғи-энергетика комплексининг корхоналари белгиланган топшириқларга қўшимча равишда 16 миллион тонна кўмир, 7 миллион тоннадан кўпроқ нефть, шу жумладан газ конденсати ва 15 миллиард кубометр газ қазиб олдилар. Электр энергия ҳосил қилиш 66 миллиард киловатт-соат миқдорида ошди.

Металлургия комплексининг корхоналари қора ва рангли металлургия маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш планини бажардилар. Шу билан бир қаторда белгиланган сортаментда маҳсулот ишлаб чиқариш, аввало унинг юқори самарали турларини ишлаб чиқариш таъминланмади.

Машинасозлик комплексида маҳсулот структураси ва турларини такомиллаштириш, юксак самарали буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш юзасидан тадбирлар амалга оширилди. Ана шундай буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан комплексда умуман маҳсулот ўсишининг қарийб 30 процентига эришилди. Шу билан бирга бутун комплексда маҳсулотнинг ўсиши 4,6 процентни ташкил этди, бу эса йиллик планда кўзда тутилганидан 1,3 баравар камдир. Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмай қолди.

1987 йилда 327 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари (алкоголли ичимликлар бу ҳисобга кирмайди) ишлаб чиқарилди. Уларни ишлаб чиқариш 1986 йилга нисбатан 5,5 процент кўпайди. Аммо аҳоли учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программасида кўзда тутилган топшириқлардан орқада қолишга йўл қўйилди.

СССР Енгил саноат министрлиги корхоналари шойи ва зиғир толасидан тўқилган газламалар, трикотаж буюмлар, пойабзал, болаларга мўлжалланган айрим буюмларни, спорт билан шуғулланиш учун керакли товарларни белгиланган топшириқдагига нисбатан кам ишлаб чиқардилар. Министрликдаги 434 та корхона шартномавий мажбуриятларини бажармади.

(Давоми 4-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1988 йил 11 январдаги қарорига мувофиқ Янгийўл шаҳар ва Янгийўл район партия ташкилотлари қишлоқ зонали Янгийўл шаҳар партия ташкилотига, Коммунистик район партия ташкилоти, Ўрта Чирчиқ районидаги Нариманов шаҳри ва Тошкентнинг Ҳамза районида қурилаётган мотор заводи бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ зонали Нариманов шаҳар партия ташкилотига бирлаштирилди.

Тошкент область партия комитети Янгийўл ва Нариманов шаҳар партия комитетлари бўйича ташкилий бюролар составини тасдиқлади. Уларга 1 февралгача ташкилий пленумларни ўтказиш топширилди.

Область партия комитети бўлимлари зиммасига ташкилий пленумлар ўтказиш ва янгидан тузилаётган партия комитетларининг нормал ишлашини таъминлашда Янгийўл ва Нариманов шаҳар партия комитетлари бўйича ташкилий бюроларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Тошкент область партия комитетига шу йилнинг 1 февралигача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советига таклифлар билан кириш, кўрсатилган шаҳар ва районлар чегарасини ўзгартириш, шунингдек янгидан тузилаётган территорияларни бошқариш масалаларини ҳал этиш топширилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети шу йил 1 февралгача тегишли комсомол ташкилотларини бирлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқсин.

(Ўзбекистон Компартияси Янгийўл ва Нариманов шаҳар партия комитетлари ташкилий бюро составлари газетанинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда).

● **КОММУНИСТИК** районидаги Свердлов номли колхозда техника ремонтига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда биринчи галда баҳорги мавсумда ишлатиладиган машина ва механизмлар шайланмоқда. Ҳозиргача 22 та сеялка ва 35 та экиш техникаси тайёрлик чизиғига кўйилди. Суратларда: (чапдан) илғор механизатор Мирон Цой ва механик ўринбосари Жуман Пардабоевлар навбатдаги машинани ремонт қилишмоқда; колхоз устахонасида: мусобақа пешқадами Эркин Сарсенбоев ўз агрегатини биринчилардан бўлиб мавсумга тайёрлади.

А. Зуфаров фотолари.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ



ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

(Давоми. Бошы 1-бетда).

Айниқса, «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмаси йилни қониқарсиз якунлади. Бирлашма шартнома асосида маҳсулот етказиб берилишини таъминламади ва пландагига нисбатан 2886 тонна кондитер маҳсулотларини кам ишлаб чиқарди. 1986 йил охирида қурилган мармелад, зефир ва конфетлар тайёрлаш бўйича янги цех қувватлари бор-йўғи 13—15 процент фойдаланилди. Бунда шахсан директор А. Ф. Данько ва партия ташкилотининг секретари Д. М. Бикулованинг катта айби бор. Улар иш аҳволини яхшилаймиз, деб бир неча бор ишонтирдилар, бироқ амалда у ўзгармади. Янгийўл шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети бетарафлик ва ҳатто ана шундай барбод этишга хайрихоҳлик позициясида турдилар.

Гўшт-сут саноатининг қатор корхоналарида прогрессив технология ҳам жуда сust жорий қилинмоқда. Масалан, Тошкент гўшт комбинатида бир тонна хом ашёдан 3127 сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Айни вақтда Ангрен ва Бекобод гўшт комбинатларида бир тонна хом ашёдан бор-йўғи 1723—1731 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Чирчиқ ва Бўстонлиқ сут заводлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти сust ортмоқда. Уларда бир тонна хом ашёдан 222—247 сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Бу тармоқдаги ўртача кўрсаткичдан паст. Умуман, Тошкент сут бирлашмаси қадақланган ва ёғи олинган сут маҳсулотларини, шунингдек мева ва бошқа қўшимчалари бўлган маҳсулотларни жуда кам ишлаб чиқармоқда.

Корхонадаги ниҳоятда зарур болалар учун мўлжалланган сут маҳсулотлари тайёрлаш бўйича мавжуд қувватлар бор-йўғи 40 процент фойдаланиляпти. Корхона ҳар куни бундай қимматли маҳсулотдан 70 минг порция етказиб бериши, бундай маҳсулотлар билан Тошкент шаҳри ва областнинг йўлдош шаҳарларини таъминлаши мумкин. Бироқ республика Соғлиқни сақлаш министрлиги муассасалари фақатгина Тошкент шаҳри учун бор-йўғи 28 минг порция ҳажмида олмоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитети, область ижроия комитети Ўзбекистон ССР Савдо ва Соғлиқни сақлаш министрликлари билан ҳамкорликда шу йилнинг ўзидаёқ яқин вақт ичида бу масалани ҳал қилишлари керак.

Бой хом ашё базаси бўлишига қарамасдан аҳолининг иссиқ иқлим шароитларида жуда зарур бўлган музқаймоқ каби озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга таъминланмаяпти. 1987 йилда Тошкент хладокомбинати шаҳарга пландаги 7,3 минг тонна ўрнига бор-йўғи 4,9 минг тонна музқаймоқ етказиб берди. Тошкентдаги ҳар бир аҳоли жон бошига бор-йўғи 2,3 килограммдан тўғри келди. Бу Москва, Киев, Душанбе, Олмаота ва бошқа йирик шаҳарлардагига нисбатан бир неча баравар камдир.

Комбинатдаги мамлакатимизда тайёрланган ва чет эллардан келтирилган асбоб-ускуналар 65—70 процент фойдаланиляпти. Кадрлар айниқса, инженерлик-техника хизмати мутахассислари қўнимсизлиги каттадир. Комбинатнинг директори ва бош инженери ҳар 1,5—2 йилда алмашади. 500 кишилик коллективга юксак унумли ишлаш учун лозим маиший шароитлар яратиб берилмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари 1986 йилдан бери «Музқаймоққа совуқ муносабат» сарлавҳали туркум мақолалар билан беш марта чиқиш қилди. Эълон қилинган материалларда ассортиментни кенгайтириш масалалари қўйилди, Тошкент хладокомбинати тайёрлаётган музқаймоқнинг сифати пастлиги ва нокондиционлиги қайд этилди. 1986 йилда «Узмясомолторг» раҳбарлиги редакцияларни қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш учун аниқ чоралар кўрилади, деб ишонтирди. Бироқ 1987 йилда «Оқшом» ўтказган рейд хладокомбинат ишидаги катта камчиликлар бартараф этилмаганлигини кўрсатди. Республика савдо министрлиги эса ҳатто газеталарнинг танқидий чиқишларига жавоб беришни лозим деб ҳам топмади. Улар бу муҳим масалада Ҳамза район партия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан ҳам қўллаб-қувватланмади.

Бу шунинг учун ҳам содир бўлдики, республика Савдо министрлиги, «Узмясомолторг» раҳбарлари (А. Ҳидоятов) бу корхонада тартиб ўрнатиш ўрнига уни иккинчи даражали деб ҳисобламоқдалар ва корхонани бошқа идорага ўтказиш тўғрисидаги масалани қўймоқдалар.

Республика Савдо министрлиги, «Узмясомолторг», Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ҳамза район партия комитети Тошкентдаги бу ягона ихтисослашган корхонага нисбатан ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришлари, бу ерда етилган муаммоларни ҳал қилиш билан яқиндан шуғулланишлари лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ҳам қониқарсиз аҳволдадир. Фақатгина 1987 йилда Тошкент сут комбинати, Олмалиқ ва Чирчиқ сут заводларида 85 тонна сут маҳсулотлари, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва Бекобод гўшт комбинатларида 8,5 тонна гўшт маҳсулотлари брак қилинди.

Кондитер ва консерва саноати тармоқларида ҳам маҳсулот тайёрлаш технологиясидаги катта камчиликлар ҳамон давом этмоқда.

Аҳолини нон-булка маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи ҳам катта ташвиш туғдирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 3 апрелдаги «Меҳнаткашларнинг нон-булка маҳсулотларининг сифати масаласи бўйича хатлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар асосида масала область партия комитетининг 1987 йил май ойидаги бюро мажлисида муҳокама қилинган эди. Бу ишда катта нуқсонларга йўл қўйганлиги учун новвойчилик саноатининг қатор раҳбарларига нисбатан қаттиқ партиявий ва маъмурий жазо чоралари кўрилган эди. Область партия комитетининг қарорида шаҳар ва район партия комитетлари, совет ва хўжалик органларига озиқ-овқат билан таъминлашнинг бу муҳим участкасидаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан комплекс ташкилий ва партиявий-сиёсий чораларни амалга ошириш топширилган эди.

Маълум иш қилинганлигини айтиш керак. Бироқ текшириш шуни кўрсатдики, новвойхоналар, нон маҳсулотлари, транспорт корхоналари, савдо ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари нон-булка маҳсулотларининг сифати ва ассортиментини тубдан яхшилаш ва улар билан аҳолини узлуксиз таъминлаб туриш бўйича тадбирларни ниҳоятда сust амалга оширмоқдалар. «Узхлебпром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (А. Ф. Богатирев) ва унинг қарамоғидаги корхоналар ташаббусиз, лозим даражада зўриқмасдан ишлаяпти. «Ташхлеб» бирлашмасининг нон заводларида, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл нон заводларида ҳамон маҳсулотнинг олтидан бир қисми сифатсиз ва стандартсиз чиқарилмоқда.

Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, шаҳар ва район партия комитетлари, область ижроия комитети, район ва шаҳар ижроия комитетлари, область агросаноат комитети кўпгина раҳбарлардаги бепарволик кайфиятини, озиқ-овқат саноати тармоқларида имкониятлардан ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлларини кидириб топишдаги лоқайдликни қатъий бартараф этмаганлар.

Ҳозирги вақтда озиқ-овқат саноати дуч келаётган қийинчиликлар шунинг оқибатида юзага келдики, бу саноат тармоғини ривожлантиришнинг кўпгина масалалари амалда иттифоқ ва республика министрликлари, идоралари, Госплан, агросаноат комплексининг бошқарув органлари эътиборидан четда бўлди. Айни вақтда бизнинг областимизда партия, совет ва хўжалик органлари бу масалада таркиб топаётган аҳволга тўғри баҳо бермадилар, уни тузатиш учун таъсирли чоралар кўрмадилар.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қайта ишлаш саноатини ривожлантириш масаласи бўйича қароридан келиб чиқадиган талабларга асосланиб, область хўжалик органлари ва республика идоралари билан ҳамкорликда бу йўналишда 1988—1995 йилларга мўлжалланган аниқ мақсадли программани ишлаб чиқдилар. Бу кондитер маҳсулотларини йиллик ишлаб чиқаришни 51 минг тонна, мева-сабзавот консерваларини шартли 97 миллион банка, саломас, майонез ва маргарин тайёрлашни 46,8 минг тонна, пиво-алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришни 4,1 миллион бутилка, сут маҳсулоти ишлаб чиқаришни 40 минг тонна кўпайтириш имконини беради.

Бу ерда, айниқса, қурилишни ташкил этишни ҳар томонлама яхшилашга алоҳида эътибор берилиши керак. Бизда кўпгина озиқ-овқат саноати объектларини барпо этиш муддатлари ҳеч қандай нормативларга тўғри келмайди. Фақатгина Ғазалкент консерва заводини реконструкция қилиш тўрт йилдан бери олиб борилмоқда. Янгийўл вино заводида шарбатларни ишлаб чиқариш цехи қурилишида ҳам шундай аҳвол таркиб топган.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида кўпгина объектлар комплекс қурилмайди. Фақат 1986 йилда планда назарда тутилган 30 миллион сўм капитал маблағнинг 6,6 миллион сўмликдан кўпроғи, 1987 йилда 17,7 миллион сўмнинг 2,4 миллион сўми ўзлаштирилмади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарини эҳтиёт қисмлар ва ностандарт асбоб-ускуналар билан таъминлаш бизнинг шу кундаги асосий вазифамиздир. Ҳозирги вақтда бундай қисмлар ва асбоб-ускуналардан ҳар йили 6 минг хилдан кўпроғи талаб этилмоқда. Тошкент ва областнинг саноат индустрияси бу йўналишда кўп иш қилиши керак. Бизнинг программамизни тайёрлаш жараёнида бу масала машинасозлик бирлашмалари ва заводлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ тадбирлар белгиланди. Шуни таъкидлаш керакки, бундай раҳбарлар ва мутахассисларнинг кўпчилиги масалани ҳал қилишга тушуниб ёндашдилар ва ишга фаол киришиб кетдилар. Бироқ уларнинг айримлари бу ишдан ўзларини четга олишга ҳаракат қилмоқдалар, «Сигнал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари эса ҳатто область партия комитетининг ҳаракатини қонунсиз деб ҳисоблаб, юқори партия органларига норозилик билдирдилар. Биз бугунги йиғилишда яна бир бор шуни огоҳлантириб ўтишимиз керакки, область партия комитети бюроси белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан қаттиқ талаб қилаверади.

КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда шу нарса таъкидландики, барча министрликлар ва идоралар-нинг корхоналари озиқ-овқат саноатини тубдан қайта қуришда актив иштирок этишлари лозим. Бунинг учун мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишга эришиш партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифасидир.

Шаҳар ва район партия комитетлари, қайта ишлаш саноати корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг буюртмаларини бажараётган меҳнат коллективлари белгиланган программани амалга ошириш бўйича бутун ишга сиёсий йўналиш беришлари, уни қаттиқ назорат остига олишлари лозим.

Озиқ-овқат саноатини янада жадал ривожлантириш қайта ишлаш саноати соҳасида фан-техника тараққиётини таъминлаш учун фундаментал тадқиқотларни ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини ҳар томонлама активлаштиришни талаб этади, деди сўнгра докладчи. Ҳозирча бу соҳада жуда кам иш қилинди. Мана, бир неча йилдан бери ўртоқ Глушченкова раҳбарлигида ўсимлик моддалари химияси институти олма турпидан кондитер саноати учун ниҳоятда зарур бўлган пектин концентрати олишни ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Бироқ область агросаноат корхоналарида уни жорий қилиш билан ўтган йили ҳеч ким шуғулланмади, бу камёб хом ашёнинг ҳаммасини бошқа жойлардан келтирилди. Фақатгина яқинда, куни кеча республика Давлат агросаноат комитети Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-тадқиқот институти кучи билан ғўзанинг чангалоғи ва поясидан пектин концентрати олиш технологиясини ишлаб чиқишни бошлаш, бу технологияни Янгийўл виночилик заводи пунктларида жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бироқ бу ниҳоятда қониқарсиздир. Ҳозирча Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлинмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, тўйимлилигини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш, хом ашёни қайта ишлашда ресурсни иқтисод қилувчи технологияни илмий ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган аниқ мақсадга қаратилган структура йўқ. Шунинг учун ҳам бизнинг корхоналаримиз шу масалалар бўйича Москвадаги Бутуниттифоқ озиқ-овқат саноати институтига мурожаат қилишга мажбур бўлаётганликлари бежиз эмас. Бу институт эса уларнинг талабномаларини тўла қондириш ҳолатида эмас.

Область партия комитети, озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришни илмий таъминлаш бўйича комплекс ташкилий чораларни тезроқ амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлинмаси раҳбарлари кечиктириб бўлмас бу масалани ҳал қилишга даъват этилганлар, уларнинг партия комитетлари эса бу ишда юксак принципиллик ва талабчанлик кўрсатишлари лозим.

Маълумки, 1989 йилнинг январидан агросаноат комплексининг барча корхоналари ва ташкилотлари ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш системасига ўтиши керак. Шу муносабат билан область агросаноат комитети область агросаноат банки билан биргаликда бу йил корхоналарда ноишлаб чиқариш харажатларини, товар-моддий бойликларнинг нормадан ташқари запасларини йўқотиш, барча ишлаб чиқариш бўлинмаларини назарда тутилган иш ҳажмини белгиланган муддатларда ва лозим даражадаги сифат билан, ишчиларнинг сонидан қатъий назар, бажарганлиги учун меҳнатга ҳақ тўлаш билан хўжалик ҳисобига ўтқазиш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

Шунингдек, агрофирмалар ва агрокомбинатлар, озиқ-овқат саноатининг муайян тармоқлари бўйича хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган область ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этиш бўйича ишларни ҳар томонлама активлаштириш лозим.

Муқим юксак малакали кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларидаги ташкилотчилик ишининг паст даражаси озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги камчиликларнинг сабабларидан биридир. Ҳозирги вақтда область агросаноатининг бу тармоғидаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг 18 процентдан кўпроғи практиклардир, Ғазалкент консерва заводида эса уларнинг сони 33 процентни ташкил этади. Тошкент ва Янгийўл ёғ-мой комбинатларида, «Ташкентвино» ва «Ташкентпиво» бирлашмаларидаги ҳисоб-иқтисодчи ходимларнинг ярми махсус маълумотга эга эмас. Кадрлар қўнимсизлиги юксак бўлиб қолмоқда. Масалан, Тошкент ёғ-мой комбинатида мастер лавозимидаги 35 кишининг фақатгина уч нафари уч йилдан ортиқроқ вақтдан бери ишламоқда. Ғазалкент консерва заводида ҳар йили ишчиларнинг 40 проценти алмашади, Тошкент шампан винолари заводида эса 50 проценти янгиланади.

Шаҳар ва район партия комитетлари қайта ишлаш саноати тармоқларида кадрлар муаммосини ҳал қилишга эътиборларини ҳар томонлама кучайтиришлари лозим. Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг ишончли резервини тайёрлаш бўйича ишларни активлаштириш, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, касаба союз ташкилотлари ва корхоналар раҳбарларига нисбатан тармоқ ходимларига зарур ўй-жой, маданий-маиший шароитларни яратишни таъминлаш учун талабчанликни ошириш лозим.

Қайта ишлаш корхоналарини, айниқса, кондитер, консерва, гўшт, сут ва новвойлик тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги томонидан қатор масалаларни зудлик билан ҳал қилишни талаб этади. Бугунги кунда фақат биргина Тошкент политехника институти ёғ-мой ва ачитиш касблари бўйича мутахассислар тайёрламоқда, консерва саноати учун мутахассислар тайёрловчи факультет фақатгина ўтган йили очилди. Шунинг учун ҳам область қайта ишлаш саноати корхоналари эҳтиёжларни маҳаллий кадрлар, айниқса, ўз мутахассисларини олий ўқув юртларининг кундузги, сиртқи, кечки таълимига юбориш ҳисобига қондира олмаяптилар.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга область агросаноати корхоналари ва хўжаликлари билан бирга область матлубот жамиятининг кооператив ташкилотлари салмоқли ҳисса қўшишлари керак. Сўнгги йилларда бу йўналишда айрим ишлар қилинди.

Лекин область матлубот жамияти правлениеси ва шахсан У. М. Мираюпов бу муҳим участкада ўз ишини ҳали ҳам қайта қургани йўқ, ўзлари пассивлик, уюшқоқсизлик кўрсатмоқдалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи объектларнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун район матлубот жамиятлари раҳбарларига юксак талабчанлик кўрсатмаяптилар.

Область матлубот жамияти ташкилотлари ҳар йили Умуминиттифоқ фондига ва мамлакатнинг турли регионларига 180 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот ортио жўнатади. Уларнинг бешдан бир қисми ностандарт бўлади ва катта зарар келтиради. Бу зарар 30 минг тоннадан кўпроқни ташкил этади. Мева-сабзавот маҳсулотларининг бузилишидан ҳар йилги исроф 50 минг сўмликдан ортади. Фақат саралаш пунктлари ташкил этиш ва ностандарт маҳсулотни қайта ишлаш ҳисобига мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқаришни бир неча марта кўпайтириш мумкин бўлар эди. Боғ-сабзавотчилик ширкатларининг маҳсулотини харид қилиш бўйича иш ниҳоятда қониқарсиз ташкил этилган. Ҳозирги вақтда областнинг 11 районида 200 тадан ортиқ шундай ширкат бор. Уларга 13,5 минг оила бирлашган, уларга хизмат кўрсатиш бўйича қабул қилишталаётган пунктлари бу йил бор-йўғи 2 та ташкил этилган.

Матлубот кооперацияси ташкилотлари гўшт маҳсулотини реализация қилиш масалаларида тамомила нотўғри позицияда турмоқдалар. Гўшт асосан янги ҳолида сотиш ва умумий овқатланишда ишлатиш учун фойдаланиляпти. Аҳолини таъминлашни яхшилаш учун ниҳоятда зарур бўлган колбаса маҳсулотлари тайёрлаш учун эса ўтган йили сўйилган вазнда тайёрланган гўштнинг бор-йўғи 4,5 проценти ишлатилган.

Матлубот кооперациясининг новвойчилик корхоналари ҳам ўз ишини қайта қурганлари йўқ. Уларда ишлаб чиқариш қувватларидан 50—70 процент фойдаланиляпти. Иш асосан бир сменада ташкил этилган. Сўнгги ўн беш йил давомида областнинг қишлоқ районларида бор-йўғи 3 та нон комбинати қурилди. Бошқалари 30 ва ундан ортиқ йиллардан бери ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги мослашган хоналарга жойлашган, технологик асбоб-ускуналари йиллаб янгиланмайди, асосан қўл кучи ишлатилади. Нон-булка маҳсулотларининг сифати пастлигича қолмоқда. Оқкўрғон. Бўка, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ нон комбинатларида анализ учун олинган нон намуналарининг 30 процентдан то 85 процентигачаси ГОСТга мувофиқ эмаслиги маълум бўлди, барча новвойхоналарда маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича чоралар кўрилмайди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ область матлубот жамияти, район матлубот жамиятлари идоралари ва бошланғич партия ташкилотлари 1988—1990 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлаш юзасидан ташкилий тадбирлар ишлаб чиқдилар. Уни бажариш учун область матлубот жамияти правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти (У. М. Мираюпов, Д. М. Ғаффорова ўртоқлар) катта ташкилотчилик ишларини олиб боришлари талаб этилади.

Умумий овқатланиш тармоқларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилиши керак. Бу соҳада резервлар катта. Масалан, Тошкент шаҳридаги Фрунзе, Ленин, Киров районлари умумий овқатланиш корхоналари кондитер ва нон-булка маҳсулотлари, салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни кенг тажриба қилмоқдалар. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми йил давомида аҳоли жон бошига 174—108 сўмликка тўғри келмоқда.

Бироқ Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Чилонзор районлари ошхоналар трестлари раҳбарларининг бу соҳада лоқайдлик кўрсатаётганликлари кишини ажаблантиради.

Матлубот жамиятлари ва умумий овқатланиш корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишни жадаллаштириш шаҳар партия комитетлари, район партия комитетларининг доимий назоратида бўлиши керак. Бу соҳада область Совети ижроия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари қатъиятлик кўрсатишлари зарур.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш базасини ва улар савдосини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни зудлик билан ҳал қилиш. Озиқ-овқат программаси комплексини амалга оширишда муҳим бўғиндир. Бу соҳада ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар кўп. Шунинг учун ҳам бу соҳа аҳолининг шикоят ва эътирозларига сабабчи бўлмоқда.

Биз бир неча йилдан буён аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан йил бўйи мунтазам таъминлаш зарурлиги ҳақида гапириб келамиз. Чирчиқ шаҳрининг партия, совет ва хўжалик органлари бу муаммони ҳал этишга зўр ғайрат ва активлик билан киришдилар. 4650 тонна маҳсулот сақланадиган сабзавот базаси замонавий ускуналар билан таъмин этилган. Бу ерда янги технологияни қўлланиш имкониятлари бор. Шунингдек, омборхонада стандартга тўғри келмайдиган ва сифатни йўқотган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех бор. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина ана шу цехда 300 тоннадан ортиқ мева ва сабзавот қайта ишланди. 59 минг шартли банка шарбат ишлаб чиқарилди. Ана шу ҳисобга 28 минг сўм фойда олинди. Бошқача қилиб айтганда бу ерда чиқитсиз технология амалда жорий этилган. Партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, савдо корхоналари ва умумий овқатланиш ташкилотларининг раҳбарлари бу тажриба билан таништирилган эдилар. Бироқ, афсуски, бу илғор тажриба ҳалигача кенг оммалаштирилмаяпти. Ҳозирги кунга қадар область савдо бошқармаси тармоқларида сабзавот сақланадиган омборхоналар етарлича эмас.

Тошкентда аҳвол бундан ҳам ёмон. Аҳоли сонининг 1995 йилгача ўсиши истиқболларини ҳисобга оладиган бўлсак, совутиш қурилмалари бўлган 284 минг тонна қувватга эга бўлган сабзавот-мева омборхоналари бўлиши зарур. Ҳозирча омборхоналар атиги 98 минг тонна қувватга эга, холос.

Шуни ҳам айтиш керакки, мавжуд омборхоналарнинг кўпчилиги механизациялаштирилмаган. Маҳсулотларни саралаш ва қадоқлаш сингари иш жараёнларини қўлда бажаришга тўғри келмоқда. Сабзавот магазинларига маҳсулотлар кўплаб миқдорда юборилаверади. Оқибатда улар ўзининг товарлик сифатини йўқотади. Ҳозирги кунда «Ташплодоовощпром» бирлашмаси корхоналаридаги мавжуд тузлаш цехлари талаб қилинганига нисбатан бор-йўғи олтидан бир қисм маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эгадирлар.

Ҳозирги кунда областда совутиш қурилмалари бўлган сабзавот-мева сақланадиган 9,5 минг тонна ҳажмдаги омборхоналар фақат тўрттагина хўжаликда бор. 1987 йилда Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоздагина сиғими 500 тонна бўлган омборхона фойдаланишга топширилди, холос.

Колхозлар, совхозлар, тайёрлов, савдо ташкилотлари маҳсулот сақлашнинг ҳозирги замон базаларига эга эмасликлари натижасида мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларининг кўпгина қисми нобуд бўлмоқда. 1986 йилда бу миқдор Тошкент области ва шаҳри бўйича 15 минг тоннага яқинни ташкил этди. Ўтган йили ҳам аҳвол яхшиланмади.

Агросаноат комплекси савдо ва тайёрлов ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари раҳбарларининг сустқашлиги туфайли ана шундай, муаммолар келиб чиқаётганини очиқ айтиш керак. Область шаҳар ва районларнинг партия комитетлари ҳам бу соҳада назоратни яхши йўлга қўймаяптилар. Талабчанлик, принципиаллик кўрсатмаяптилар.

Область партия комитети 1986 йилдаёқ колхозларнинг ва совхозларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришга оталиқ ёрдами кўрсатиш масаласи бўйича қарор қабул қилган эди. Бу қарорда, жумладан, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг кучи билан хўжаликларда қуввати 7,3 минг тонна бўлган 22 та сабзавот сақлайдиган омборхона, шу жумладан 1987 йилда қуввати 2,1 минг тонна бўлган 7 та омборхона қуриш кўзда тутилган эди.

Афсуски, ўтган йили бронта ҳам объект фойдаланишга топширилмади. Бекобод шаҳри ва Киров районининг корхоналари эса қурилиш ишига умуман киришганлари йўқ. Бу энг аввало қишлоқ район партия комитетлари ва район Совети ижроия комитетларининг, область агросаноат комитети, район агросаноат бирлашмалари ва хўжалик раҳбарларининг фаолиятсизлиги, ишга астойдил киришмаганликлари оқибатидир. Улар лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, зарур миқдорда маблағлар ажратилишида ташкилотчилик кўрсата олмадилар.

Бекобод, Чирчиқ шаҳар партия комитетлари, Киров, Қуйбишев, Фрунзе район партия комитетлари ҳам область партия комитетининг қарорини бажаришда интизомсизлик кўрсатдилар. Назоратни пухта йўлга қўймадилар.

«Ташплодоовощпром» бирлашмаси томонидан ҳам Тошкентдаги саноат корхоналари учун маҳсулот етказиб берадиган омборхоналар қурилиши бўйича яхши тадбир ишлаб чиқилган. Бу тадбир шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети томонидан 1987 йил апрелида кўриб чиқилиб тасдиқланган. Хўш, уни бажариш юзасидан қандай иш қилинди? Қуввати 3,5 минг тоннага мўлжалланган 19 объектдан бор-йўғи битта,— қуввати 2 минг тонна бўлган омборхона Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида қурилди, холос.

Ва масалада лоқайдлик, назоратсизлик, интизомсизликни кўрсатувчи яна бир мисолни олиб кўрайлик. 1987 йил сентябрь ойида область партия комитети бюроси «Сабзавот ва картошка сақланадиган омборхоналар қурилиши қониқарсиз бораётганлиги тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан. Бунга хусусан, 5- ва 4-мева-сабзавот комбинатлари фаолияти жиддий танқид қилинган эди. КПСС аъзолари — Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосарлари Т. Н. Набиев, В. А. Короткий, «Узагропромстрой» раиси Б. С. Ҳамидов ҳамда «Главташкентстрой» бошлиғи вазифасини бажарувчи Э. В. Шохназаров ўртоқларнинг бу объектлар қурилишига ажратилган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилади, белгиланган қувватларнинг фойдаланишга топширилиши таъмин этилади, деб берган ахборотлари инобатга олинганди. Қурилишнинг боришини Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ва область ижроия комитети назорат қилиб боришни зиммасига олганди. Амалда қандай бўлди? 4-мева-сабзавот комбинати территориясидаги қуввати 3 минг тонна ҳажмдаги омборхона қурилиши барбод этилди, 5-комбинат биринчи навбат қурилиши бўйича ажратилган маблағнинг бор-йўғи ярми ўзлаштирилди, холос. Тошкент шаҳар партия комитети, «Узгосагропром» партия комитети бу муҳим объектлар қурилиши барбод этилганлиги учун юқорида номлари кўрсатилган коммунистларнинг жавобгарлиги масаласини тезроқ кўриб чиқишлари зарур.

Олмалиқ, Ангрен, Бекобод ва Янгиобод шаҳарлари партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари ҳам мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар тармоғини ривожлантиришда ташаббус кўрсатмаётганликларини қайд этиш керак.

Ишларни ҳар жиҳатдан жадаллаштириш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган барча тармоқларда аҳволни яхшилашга зудлик билан киришишни тақозо этади. Ҳозир бундай маҳсулотлар аҳолига қаерда ва қай тартибда сотилмоқда? Асосан эскириб қолган тармоқларда реализация қилинмоқда. Уларда совутиш қурилмалари йўқ. Маҳсулотни саралайдиган, савдога чиқариб сотиш учун тайёрлайдиган ускуналар, хоналар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам аксарият харидорлар бозорга боришни ва у ердан сабзавот ва мевани қиммат нархда бўлса ҳам сотиб олишни афзал кўрадилар. Чунки у ерда маҳсулотлар сараланиб, артилиб, сортларга ажратилиб сотилади.

Бу масалани ҳал этишда савдо ва тайёрлов ташкилотлари билан бир қаторда колхоз ва совхозларнинг фирма магазинлари ҳам ўз ишларини тубдан қайта қуришлари талаб этилади. Қўрилган тадбирлар туфайли ўтган йили бундай магазинлар сони 1986 йилдагига нисбатан уч баравар кўпайди. Бироқ бундан биз кутилган самарани ола олмадик. Атиги 7 минг тонна маҳсулот сотилди, холос.

Масалан, Калинин районида хўжаликлари ўтган йили 15 та фирма магазини орқали атиги 1,2 минг тонна мева-сабзавот ва картошка маҳсулотини реализация қилдилар. Ваҳоланки, район бўйича 110,8 минг тонна маҳсулот тайёрланди. Шу райондаги Куйбишев номли колхознинг магазинида кунига ўртача 89 килограммдан маҳсулот сотилган. Калинин номли колхознинг магазини эса санитария ҳолати талабга жавоб бермаганлиги учун беш ой давомида ишламасдан ётди. Ҳозирги пайтда эса маҳсулот йўқлиги учун магазин ёпиб қўйилган. Афсуски, бундай мисоллар оз эмас.

Мана, сизга область агросаноат комплексининг ишга «тадбиркорлик билан» муносабатда бўлаётганлигини кўрсатувчи мисол. Маҳсулот сақлайдиган омборхоналар ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган тармоқлар ишини ўн иккинчи беш йилликнинг қолган уч йили ва 1995 йилгача бўлган давр мобайнида тубдан яхшилаш ва қайта қуриш учун областда ва Тошкент шаҳрида катта иш олиб бориш зарур. Замонавий механизм ва совутиш ускуналари билан таъмин этилган, 146 минг тонна ҳажмдаги мева-сабзавот ва картошка маҳсулотлари сақланадиган омборхона қурилиши керак. Шунингдек, бундай маҳсулотларни халқимизнинг қадимий анъаналаридан фойдаланган ҳолда сақлашни ҳам колхоз ва совхозларда кенг жорий этиш талаб этилади. Шунингдек, 51 та ихтисослаштирилган магазинлар қурилади.

Озиқ-овқат саноати қайта ишловчи корхоналари фаолиятини бундан буён янада жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш бўйича белгиланган барча вазифаларни амалга ошириш, табиийки, аграр сектордаги хом ашё базасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўтган икки йил мобайнида давлатга мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш ҳажми бирмунча кўпайганлиги қайд қилиб ўтилди. 1987 йилда бодринг, сабзи, қаримсоқ пиёз, карам ва резаворлар етказиб бериш ҳажми ҳам анча ортди. Кейинги йилларда ҳам мева-сабзавот, сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш учун бирмунча замин яратилди: шахта, канал пояси етиштириш ва давлатга сотиш плантопшириқлари камайтирилди. Бу, тадбир албатта, экин майдонлари структурасини ўзгартириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва учун емхашак маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини берадиган экинлар экиладиган майдонларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Лекин шунга қарамай бизнинг областимизда деҳқончилик маданиятини ошириш биринчи даражали иш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Биз ҳали колхоз ва совхозларнинг иқтисодий ва моддий-техника потенциалидан тўла қувват билан фойдаланишга халақит бераётган иллатлардан ва камчиликлардан тўла ҳоли бўлолмаяпмиз.

Ваҳоланки, резервлар жуда кўп. Масалан, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозни олиб кўрайлик. Хўжалик ҳаммаси бўлиб 500 гектар суғориладиган майдонга эга. Лекин ум

ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

(Охири. Боши 1-2-бетларда).

Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз етиштириши муттасил кўпайтириб бориш партия, совет органлари, агросаноат бирлашмалари пахтачилик районларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши керак. Афсуски, деҳқончиликнинг бу тармоқлари уларда иккинчи даражали соҳа ҳисобланади. Бу тармоқдаги аҳвол учун раҳбарлардан, партия комитети секретарларидан қатъий талаб қилинмайди. Иш шунгача бориб етдики, пиёздан ташқари етиштириладиган сабзавот ва картошка маҳсулотлари ҳатто районларнинг ўз эҳтиёжларини ҳам қондира олмайди. Мисол учун Бўка районини олиб кўрайлик. Бу районда ўтган йили 17 колхоз ва совхоздан фақат иккитагина хўжаликда 1,5 гектар майдонда карам етиштирилди, 8 та хўжаликда 6,5 гектар ерга помидор экилди. Сабзавотнинг бодринг, ош лавлаги сингари турлари умуман экилмай қўйилган. Пискент районида етиштирилган пиёз 8850 тонна сабзавот хажмига нисбатан 8829 тоннани, Оҳангарон районида 3452 тоннага нисбатан 3435 тоннани ташкил этди. Бошқа пахтакор районларда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Бизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришга ҳамон эскича муносабатда бўлинмоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалигига яроқли, шу жумладан суғориладиган ерлар кўз ўнгимизда талон-тарож қилинмоқда ва хўжасизларча фойдаланилмоқда. Умуман областда боғ ва токзорлардаги сийрак майдонлар 23—18 процентга етиб қолди. Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Коммунистик, Янгийўл районларида эса 25—35 процентни ташкил этади.

Область кейинги йилларда сурункасига мева топшириш планларини бажармасдан келмоқда. Ассортимент ниҳоятда камайиб кетган, олча, гилос, шафтоли, ўрик сингари данакли мева ҳосили миқдори оз. Ўтган йили Бўстонлиқ, Бўка, Чиноз, Оржоникидзе, Коммунистик ва бошқа районларида 8 минг тонна узум кам етказиб берилди.

Область агросаноат комитети, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари РАПОлар деҳқончилик ва мева-сабзавот етиштириш маданиятини оширишга қаратилган ташкилий-хўжалик ва сиёсий тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак. Сабзавот, картошка етиштириш, боғ ва узумчиликда интенсив технология омилларини менсимаслик фактларига кескин зарба бериш лозим. Қишлоқ хўжалигининг бу тармоқларида ҳам меҳнатни ташкил қилишнинг оила пудрати, хўжалик ҳисоби, сарф-харажатларни назорат ва ҳисоб-китоб қилиб боришнинг чек усулини жорий қилишга алоҳида эътибор бериш, бунда расмиятчиликка сира ҳам йўл қўймаслик керак. Вазифа — икки-уч йил давомида барча хўжаликларда, шу жумладан пахтакор хўжаликларда ҳам гектаридан кам деганда 300 центнердан сабзавот, 150 центнердан картошка, 100 центнердан мева ва узум хосили олишга эришишдан иборат.

Чорвачиликни бундан буён янада интенсивлаш учун ҳали жуда кўп иш қилиш зарур. Бизда бу тармоқ бўйича 1990 йилгача мўлжалланган яхлит программа ишлаб чиқилган. Бу программани амалга ошириш давомида маълум ижобий ўзгаришлар бўлди. Озуқа базаси мустаҳкамланди. Икки йил давомида областда ҳар бош соғин сигирдан олинадиган сут 268 килограммга кўпайди. Гўшт, сут ва тухум планлари анча илдам бажариладиган бўлиб қолди. Бироқ ўн иккинчи беш йилликнинг қолган йилларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтириб бориш ва гўшт, сут саноати ишида барқарорликка эришиш учун ҳали биз мустаҳкам замин ярата олганимиз йўқ.

Кўпгина районлар ва хўжаликларда сут етиштириш жуда секинлик билан ортиб бормоқда. Ўтган йили фақатгина тўртта районда сигирлардан сут соғиб олишда 3 минг килограммлик маррадан ўзилди, холос. Паркент, Бўстонлиқ, Оҳангарон, районларида ҳар бир сигирдан 2150—2350 килограммдан, Оққўрғон, Бўка районларида 2440—2450 килограммдан сут соғиб олинди. Гўшт етиштириш ресурсларидан фойдаланишда талон-тарож қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Областда гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 325—330 килограммга тўғри келмоқда. Шунинг эвазига биз, сўйилган вазнда ҳисоблайдиган бўлсак, 2 минг тоннага яқин гўшт йўқотмоқдамиз.

Давлатга топширилаётган гўштнинг умумий салмоғида паррандачиликка ихтисослаштирилган корхоналарнинг ҳиссаси ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Бироқ шунга қарамай паррандачилик фабрикаларини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини ҳозирги замон талаблари асосида қайта мустаҳкамлаш масаласи бир неча йилдан буён ҳал этилмасдан келинмоқда. Калинин районидаги Ўзбекистон паррандачилик фабрикаси тухум қиладиган товуқ ва ёш жўжаларни ўстириш учун махсус зонага эга эмас. Тошкент паррандачилик бирлашмаси қурилишида йўл қўйилган жиддий камчиликлар ҳалигача тугатилмаган. Янгийўл районидаги бройлер паррандачилик фабрикаси ҳам қаровсиз аҳволда ётибди. Биз Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети ва «Узптицепром» раҳбарлари, партия комитетлари бу масалани атрофлича кўриб чиқадилар, рўй берган аҳволни тезроқ яхшилаш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар, деб ишонамиз.

Бу йил бизнинг олдимизда гўштни қайта ишлаш саноати корхоналари ишининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан жиддий вазифа турибди. Бу муаммонинг ҳал этилиши аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъмин этишни анча яхшилаш имкониятини беради. Бироқ бу ерда аҳвол анча тиғиз бўлиб қолмоқда. Мана икки-уч йилдан буён кўпгина областлар Тошкент ва бошқа йирик саноат марказларини таъминлаш учун республика фондига мол етказиб бериш планини таъмин этмаяптилар.

Бизда қишлоқ хўжалик хом ашёсини ва озиқ-овқат маҳсулотларини транспортларга ортиш ва жойлаш сингари муҳим иш участкаси ғоятда қаровсиз аҳволда қолиб келмоқда. Оқибатда жиддий иқтисодий зиён кўрилаётир. Маҳсулотларнинг катта қисми нобуд бўлмоқда. «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Уртоқ» кондитер фабрикаси, Янгийўл ёғ-мой комбинати ва область агросаноатига қарашли бошқа корхоналарнинг юк тушириш ва ортиш майдонлари ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Тошкент темир йўли бўлими ишини йўлга қўйишда ҳам жиддий қамчиликлар содир бўлиб турибди. Буни қаранг, область темир йўлининг Қодириё станциясидан бошқа бирор жойда мева-сабзавот маҳсулотларини транспортлардан вагонларга ортиб юклайдиган, ёки туширириб оладиган майдонга эга бўлган станция йўқ.

Бугун ҳар ким ўз фаолиятига принципиал ва танқидий баҳо бериши, йўл қўйилган камчиликлар рўйрост очиб ташланиши лозим. Шу билан бирга ишни яхшилашга қаратилган конкрет таклиф, мулоҳазалар ўртага ташланиши керак. Бу аниқ бир мақсадга қаратилган ва амалда тадбиқ қилиш мумкин бўлган қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Биз сизларни ишонтириб айтамизки, партия, совет, хўжалик органлари, агросаноат комплексига қарашли корхона — ташкилот раҳбарлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш ишига катта масъулият ва талабчанлик билан киришадилар. Бунинг учун барча меҳнат коллективларининг қуч-ғайратларини сафарбар этадилар, имкониятлар, резервларни ишга соладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР КОМИТЕТИ ТАШКИЛИЙ БЮРОСИНИНГ

С О С Т А В И

Дадабоев Шуҳрат Отахонович — 1939 йилда туғилган, ўзбек, 1965 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари.

Гнедаш Валерий Михайлович — 1951 йилда туғилган, рус, 1972 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари.

Нуритдинова Мамлакат — 1944 йилда туғилган, ўзбек, 1972 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари.

Мўйдинов Маҳмуд — 1939 йилда туғилган, ўзбек, 1970 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар ижроия комитети раиси.

Юсупов Абдуғани — 1946 йилда туғилган, ўзбек, 1976 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл район ижроия комитети раиси.

Йўлдошев Эркин Эргашевич — 1948 йилда туғилган, ўзбек, 1976 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар халқ контроли комитети раиси.

Рибаков Анатолий Иванович — 1950 йилда туғилган, рус, 1975 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Қўлдошев Ҳамиджон — 1957 йилда туғилган, ўзбек, 1983 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ЛКСМ Янгийўл шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Морозова Полина Григорьевна — 1954 йилда туғилган, рус, 1976 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл биохимия заводи ишчиси.

Исматов Маҳмуд — 1920 йилда туғилган, ўзбек, 1944 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси.

Муратов Владимир Зекирьяевич — 1950 йилда туғилган, татар, 1972 йилдан КПСС аъзоси, Янгийўл район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, РАПО совети раиси.

Абдуллаев Серикбой — 1955 йилда туғилган, қозоқ, 1979 йилдан КПСС аъзоси, У. Юсупов номли боғдорчилик-узумчилик комбинати ишчиси.

Мўйдинов Адашали — 1945 йилда туғилган, ўзбек, 1968 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги комитети Тошкент область бошқармаси шаҳар бўлимининг бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ НАРИМАНОВ ШАҲАР КОМИТЕТИ ТАШКИЛИЙ БЮРОСИНИНГ

С О С Т А В И

Соболев Геннадий Иванович — 1950 йилда туғилган, рус, 1974 йилдан КПСС аъзоси, Москва олий партия мактаби тингловчиси.

Маҳмудов Турсунпўлат Мирзаҳмедович — 1948 йилда туғилган, ўзбек, 1975 йилдан КПСС аъзоси, Нариманов шаҳридаги «Иргидромаш» заводи директори.

Шек Анатолий Александрович — 1949 йилда туғилган, корейс, 1975 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район партия комитети секретари.

Маҳмудов Мансуржон Маҳмудович — 1951 йилда туғилган, ўзбек, 1974 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район ижроия комитети раиси.

Холтоев Туроп — 1945 йилда туғилган, ўзбек, 1968 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз правлениесининг раиси.

Темиров Юрий Александрович — 1932 йилда туғилган, украин, 1963 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район партия комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси.

Юсупов Пўлат Азизович — 1936 йилда туғилган, ўзбек, 1961 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги мотор заводининг директори.

Косигин Николай Геннадьевич — 1950 йилда туғилган, рус, 1976 йилдан КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ районидаги «Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлар бригадири.

Ли Георгий Ильич — 1949 йилда туғилган, корейс, 1971 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, РАПО совети раиси.

Толипов Олимжон Орипович — 1950 йилда туғилган, ўзбек, 1977 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Трифонов Анатолий Михайлович — 1942 йилда туғилган, рус, 1967 йилдан КПСС аъзоси, «Промжилводстрой» трести марказий қурилиш лабораторияси бошлиғи, трест партия комитетининг секретари.

Қоржовов Абудқодир Толипович — 1947 йилда туғилган, қозоқ, 1969 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик район халқ контроли комитетининг раиси.

Оринбекова Урқия Пансенбековна — 1958 йилда туғилган, қозоқ, 1983 йилдан КПСС аъзоси, Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози аъзоси.

ОЛТИНГА ҲИРС ҚЎЙГАН ГАЗАНДАЛАР

СССР Прокуратурасининг тергов группаси Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликка қарши узоқ ва машаққатли кураш олиб бормоқда

— Шу ерда, энди аниқ эслайман, шу ерда, — Саид навбатдаги қайрағочга ишора қилди ва бирдан ранги оқариб кетди. Қум узра даҳшатли суратда вишиллаб улкан кобра бошини кўтарди. Оёқлар бошдан кўра тезроқ ишлаб кетди. Бир неча секунд ичида улар илондан хавфсиз жойга бориб олишди. Кобра эса тиккайганча кимки олдинга қараб қадам ташлагудай бўлса, уни ўша заҳоти жазолашга тайёр турарди.

ШУНИСИ етмай турган эди, — тўнғиллади Бахтиёр Абдураҳимов ўзбекчалаб. Унга... алам қилганча бор. Чўнки улар Қашқадарё областидаги район партия комитетларидан бирининг собиқ биринчи секретари бойликларини қўлга туширишга ўйлаётган операцияни тайёрлаш мобайнида хатога йўл қўйган эдилар. Улар қўлга тушган кишининг, пора эвазига тўпланган пулларнинг оз қисми — нари борса 250 минг сўмни биродари яшириб қўйганлиги ҳақидаги гапига ишондилар. Шу боис ўша бойликни олиш учун уч киши йўлга чиқди.

Секретарнинг биродари пулларни осонликча берди. Бу нарса шубҳали туюлди.

— Кам, — деди Альберт Карташян уни довдиратишга уриниб, — қолгани қани?

— Йўқ, — деди ул соҳиби қўлларини ёзиб. — Акамнинг одамлари келиб, олиб кетишди.

Бахтиёр ўртоқлари билан кўз уриштириб олди. Таниш манзара. Сал хавф сезилдими, яширилган бойликлар кўп қисмга бўлиниб, қариндош-уруғларнинг ва ишончли шахсларнинг уйларига бериб юборилади. Худди саҳродан янтоқ қидиргандай, уни топиб кўр. В. Антонов бошлиқ группанинг криминалистлари ёнингда йўқлигига афсусланиб кетасан киши. Негаки, улардаги приборлар ер тагидагини ҳам, девор ичидагини ҳам бирпасда топиб бера олади. Улар эса фақат уч киши. Ҳар бир дақиқа эса ҳақиқатан ҳам ҳозир олтинга тенг бўлиб турибди.

...Уйқусиз ва овқатсиз ўтказилган иккинчи сутка ҳам охирлаб қолганда улар яна салкам бир миллион сўмни қўлга туширишга муваффақ бўлдилар. Собиқ биринчи секретарь укасининг сўзича, оғир сумкани Саид исмли ёш йигитча олиб кетган эди.

Саиднинг уйи атрофига пистирма қўйилди. Тонгга яқин кўзлар юмилай-юмилай деганда Бахтиёр овоз чиқармай дўнглик ортидан уй томон лип этиб ўтиб кетган сояни пайқаб қолди. Бу мотоцикл чироғи ва двигателни ўчириб уйга қайтган Саид эди. Кейин эса Саид уларни саҳрода у қайрағочдан бу қайрағочга олиб борар, гўё бу ишнинг охири бўлмайдигандай туюларди. Йигитча уларни «сувга олиб бориб суғормай желадигандай» эди. Улар қўллари билан неча кубометрлаб қумни кавлаб ташлашди. Охири кобра қўриқлаб ётган жойга етиб келишди.

— Нон урсин, илон йўқ эди, — деб ишонтиришга уринарди Саид. — Олтинни сезиб келганга ўхшайди.

Улар бир амаллаб илонни ҳайдашди. Сумкадан яна уч юз минг сўмлик зеби-зийнатлар чиқди. Йигитлар машинага ўтиришлари билан уйқуга кетдилар. Бахтиёр эса халқ афсонасини эслади. Унда ҳикоя қилинишича, олтин илонларни ва очкўзлик, маккорликда кобрадан қолишмайдиган кишиларни ўзига оҳанграбодек тортар экан. Худди шундай бўлиб чиқди, Абдураҳимов уйқуга кетар экан, шуларни ўйлади.

СССР БОШ ПРОКУРОРИ ҳузуридаги ўта муҳим ишлар бўйича терговчи Т. Гдлянга 1983 йил ёзида группани йиғиш ва Бухорога ўча учиш топширилди. Бу ерда минглаб сўм порани олаётганда область ички ишлар бошқармаси ОБХСС бошлиғи, милиция подполковниги А. Музаффаров давлат хавфсизлиги комитети ходимлари томонидан ушланган эди. Тергов группаси келгунга қадар область ички ишлар бошқармаси бошлиғи А. Дўстов, Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг директори Ш. Қудратов, республика Госснаби область моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи Д. Шарипов қамоққа олинган эди. Гельман Хоренович ва унинг ҳамкасблари олдида қийин, аммо улар учун оддий бўлиб қолган ишлар турарди. Яъни тергов йўли билан порахўрларнинг жиноятчилик корона алоқаларини аниқлаш, давлатдан яшириб қолинган маблағларнинг тўпланиш механизмини очиб ташлаш, айбланаётган ҳар бир кишининг айбини белгиловчи исботларни системалаштириш ҳамда ишни судга ошириш керак эди. Ўшанда биронта ҳам киши масала улар ўйлагандан кўра мураккаблигини, ишлар Бухородан бутун Ўзбекистонга, унинг пойтахтигача чўзилганлигини тахмин ҳам қилмаган эди. У пайтларда Ўзбекистон ССР матбуотда ва телевидениеда пландан ташқари юз минг тонналаб пахта бераяпти, деб жар солинарди. Республика раҳбарлари янги ва янги мукофотларни одамлар эгнига қадаб қўйишга улгуролмасдилар.

Ўзбекистондаги пахта товламачилиги куппа-кундуз куни момақалдироқ бўлгандай кутилмаган равишда ҳаммани ҳайратга солиб фош бўлди. Газеталарда кетма-кет фош қилувчи мақолалар чиқа бошлади. Уларда давлат Ўзбекистонга таг-туги йўқ пахта учун пул тўлаганлиги ҳикоя қилинарди. Бу ерда ҳар йили қарийб миллион тоннадан пахтани ҳисоботларга қўшиб ёзишарди. Қизиқ, пахта ҳосили кўпайса-ю газлама ишлаб чиқариш камайиб борса? Кейин эса шовшувли суд жараёни бўлди. У товламачилик ташкилотчиси бўлган республика пахта тозалаш саноатининг собиқ министрини ва бошқа шахсларни энг олий жазога ҳукм қилиш билан тугади. Умуман, шу иш юзасидан эса юзлаб одамлар жавобгарликларга тортилди.

Гдлян суд ишини қузатиб бораркан, жаҳлидан ҳеч тушолмасди:

— Республикада наҳотки товламачилик ташкилотчиларидан бошқа бирон киши қўшиб ёзишларни кўрмаган бўлса? Партия ходимлари, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари-чи, нега энди шунча одамни жавобгарликка тортиш керак? Ахир, уларнинг аксарияти боши берк кўчага киритиб юборилганлиги равшан-ку! Энг муҳими, пуллар, бойликлар қани? Миллиардлаб ўмарилган. Давлатга қайтарилгани эса урвоқ ҳам эмас. Бу янги жиноятлар учун асос-ку.

— Ўйлашимча, — деди хотиржамлик билан Бухоро тергови бўйича Гдляннинг ўринбосари Николай Иванов, — бу саволларга бизнинг группамиз жавоб беришига тўғри келади.

Николай Вениаминович Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг собиқ биринчи секретарини қўлга олиб, эндигина қайтиб келган эди. Каримов республика мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосарилигига ўтганда ҳам ўз одатларидан қайтмади. У Қаршига қилган командировкасининг биринчи кунини министрликнинг шаҳар чекқасидаги «меҳмон кутадиган» уйида нишонлади. Катта ичкилиқбозлик бўлиб, совға-саломларни қабул қилди. Оператив группа меҳмонларнинг тарқалишини кутиб турди. Тонгги соат олтида қоровулхонага қўнғироқ қилишди.

— Каримовга шахсий пакет бор, — дейди Иванов. Куннинг исталган пайтида меҳмон кутишга одатланган қоровул уни ичкарига қўйиб юборди.

Эшикни ширакайф Каримов очди. Пакет учун қўлини узатганда билакларига кишан тушганлигини сезди.

— Нима учун?

— Нима учунлигини ўзингиз биласиз-ку, — деди таъна аралаш Иванов.

— Шундайми, тушунарли, тушунарли, — маюсланди Каримов.

Оператив группа ходимлари биринчи бурилишдан сўнг машина номерини ўзгартиришди. Бунга асос бор эди. Қоровул хўжайиннинг азонлаб кетганидан хавотирланиб, Каримовни ўғирлаб кетишди, деб ваҳима кўтарди. У ГАИга Иванов обкомнинг собиқ секретарини олиб кетган машинанинг номерини хабар қилди. Агар Каримовнинг югурдаклари ўша машинани қувганларида борми, иш нима билан тугаш номаълум бўларди.

Бу шунчаки сўзлар эмас. Ўша йилларда Ўзбекистондаги реал вазият шундай эдики, областлар ва республика «йўлбошчилари», ҳозирги кун амирлари социализмдан четга чиққан эдилар, улар қонун ва ахлоқнинг барча нормаларини оёқости қилган эдилар, десак муболаға бўлмайди. Улар экономика ва ахлоқни издан чиқариб республикани секинлик билан азоб чекиш ҳолда чириш жараёнига олиб келдилар. Натижада ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари, партия ва совет органларининг катта қисми жиноятчилар дунёси билан чатишиб кетди.

Ҳозир пахта магнатлари давлатдан тўрт миллиард сўмдан кўп маблағни ўғирлаганликлари, унинг ярмисини ўз ҳамёнларига солганликлари исботлаб берилган. Гдлянинг тергов группаси ички ишлар органлари билан биргаликда бошқа нарсани ҳам аниқлади. Республика савдоси, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, шойи ишлаб чиқаришда кўп миллион сўмлик ўғирликлар юз берганки, бу нарса уюшган жиноятчиликнинг яхши созланган системаси мавжуд бўлганлигини, бунда ўғирланган ҳар бир сўм кейинчалик нимага ишлатилганлигини аниқ-равшан кўрсатади. Ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пулларнинг каттагина қисми мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олишга, иккинчи қисми эса жиноятқорона корхоналарни кенгайтиришга сарфланган. Бунда хусусий кишиларга қарашли яширин фирмалар (жиноятчилар уларни цехчалар деб атайдилар) худди рак сингари жалалаб, қўпайиб борарди. Учинчи қисми эса «тўкин» ҳаёт кечиришга ва олтинларни кўпайтиришга ишлатиларди.

Республикада рэкет ҳам пайдо бўлди. Энциклопедик луғатда айтилишича, у қўрқитиш ва куч ишлатиш йўли билан кенг кўламда дўқпўписаларни ишга солиш, таъмагирлик қилишдир.

Рэкетерлар яширин миллионерларни кузда ёнғоқ қоқгандек силкитишарди. Охир оқибатда улар бандитларни ўз паноҳларига олдилар. Улардан шахсий қўриқчиларни ташкил этдилар. Ўзбекистонда ёлланма қотиллар бўлганлиги уйдирма эмас. Бу қотилларнинг қўли энг аввало порахўрлар даврасини ёриб чиқишга уринганлар боши узра кўтарилди. Бугун, масалан олий мартабали ходимлардан бири Гдлянга қарши суиқасд тайёрлагани яхши маълум. Аммо у қора ниятни амалга оширишга улгурмади. У ҳомийлар томонидан қамоққа олинасан, деб огоҳлантирилгач, ўзини ўзи ўлдирди. Шу боис Каримовнинг қўлларига пўлат билакузуклар тақилаётганда қўрилган эҳтиёт чоралари асқотди.

...СССР Прокуратурасининг тергов группаси дастлабки ойлардагина у ёки бу даражада нормал шароитларда ишлади. Группа мафиянинг «маънавий оталари» билан қизиқгунча унга ёрдам беришди. Улар тергов боришини диққат билан кузатиб юрдилар, таъбир жоиз бўлса, пашмалак жиноятчиларни яшириб ўтирмадилар. Улар, масалан, ОБХСС бошлиғи Музаффаров бозорда молларни нархига қўшиб сотувчи Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг ходимларини шахсан ўзи қўриқлаганини эшитганларида ғазаблари тугёнга келганлигини ҳаммага кўрсатиб намойиш қилдилар. Бошқа бир мисол. Район партия комитетларидан бирининг биринчи секретари колхоз раисларини қўшиб ёзишга, пора беришга зўрлаб, уларни бошлари устида оғир нарсани кўтариб туришга мажбур қилган. Шунда ҳалиги одамлар ё рози бўлишган ёки чарчаб йиқилиб қолишган. Ёҳуд Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг бошлиғи Қудратов магазинда савдодан тушган пулларни сотувчидан сурбетларча тортиб олганда унга эътироз билдиришга журъат этган қўл остидагиларни дўппослаганлигини олайлик. Бу воқеалар ошкор бўлганда ана шу ҳомийлар намойишкорона жазавага тушдилар.

Каримов қамоққа олингандан сўнг вазият кескин ўзгарди. Гдлян группаси ишни охиригача етказиш ҳаммага маълум бўлди. Терговчиларни «миллион сўм берамиз, фақат менинг ишим Ўзбекистон судида кўрилсин», деб сотиб олишга бўлган уринишлар натижа бермади. Терговчиларни жисмонан йўқ қилиш билан қўрқитиш ҳам таъсир этмади. Беш йил ичида бир қатор раҳбар ходимлар ҳибсга олинди. Улар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари, республика Министрлар Советининг собиқ раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг собиқ ўринбосари, партия Марказий Комитетининг собиқ ишлар мудири, СССР Ички ишлар министрининг собиқ биринчи ўринбосари, Ўзбекистоннинг собиқ ички ишлар министри ва унинг уч ўринбосари, областлар ички ишлар бошқармаларининг собиқ бошлиқлари, собиқ совет ва хўжалик ходимлари бор.

ЎЗБЕКИСТОНДА уюшган жиноятчиликка қақшатқич зарба берилгандай бўлинди. Бунинг устига республиканинг энг юксак минбаридан туриб раширдовчилик қораланди. Марказий Комитет бюроси таъбир жоиз бўлса, сеҳрли таъсир остида бўлганлиги, қонунсизликка, суиистеъмолчиликка ва социалистик ахлоқ нормаларининг бузилишига қарши бормаганлиги айтилди. Мана энди уларнинг ҳаммасига узил-кесил нуқта қўйилади, деб ишонтирилди.

Бироқ тергов қисмининг бошлиғи Г. Каракозов ва Бош прокурорнинг ўринбосари А. Катусев раҳбарлигида Гдлян, Иванов ва уларнинг ўртоқлари олиб борган терговлар республикадаги вазият жуда кам ўзгарганлигини кўрсатди. Илгаригидек у ёки бу мансабдор шахсни ҳатто сўроққа чақириш ҳам катта қийинчилик туғдирди. Улар депутатлик дахлсизлигини рўкач қилиб, ундан қалқон сингари фойдаланиб одил судга боришмасди. Илгаригидек порахўрлар ва талон-торож қилувчилар ўзларини эркин ҳис қилиб юравердилар. Уларнинг айримлари шу даражага бориб етдиларки, сўроқдан чиқишлари билан орадан ўн минут ўтгач, яна пора олдилар. Аммо энг асосийси бошқа нарсада. Бунгача ихтиёрий равишда гувоҳлик берган кишиларга мунофиқларча зўрлик қилиш бошланди. Чунки бу гувоҳлар улардан қандай қилиб пора талаб этганликларини, уларни қўшиб ёзишга мажбур қилганликларини, бошқалар ўғирлаган бойликларни яширишга мажбур этганликларини айтиб берган эдилар. СССР Прокуратураси бу кишиларни жиноий жавобгарликдан озод этганлигига ва шуни партиявий ва маъмурий жазо бераётганда ҳисобга олишни илтимос қилганлигига қарамай, Бухоро областида уларни партиядан ўчиришга, ишдан олишга киришдилар. Аммо терговда гувоҳлик бермаган кишилар эса бемалол хотиржам яшайвердилар. Гдлян, группанинг бошқа ходимлари республика бўйлаб юриб, айбини бўйнига олиб бориш жазони камайтиришни тушунтирдилар. Амалда эса, ҳаммаси тескари бўлиб чиқди.

Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, группа беш йилдан бери нима билан шуғулланаяпти, у ўз ишини тугаллайдиган пайт келмадими, ахир, халқни «террор» қилиш етар, деган садолар чиқа бошлади. Тельман Хоренович республикадаги вазиятни, маънавий микромуҳитни жиноятчиликнинг яроқларини эмас, унинг илдизларини юлиб ташлагандагина ўнглаб олиш мумкин, деб исботлай-исботлай чарчади. Агар КПСС Марказий Комитетида тергов группаси позицияси қўллаб-қувватланмаганда бу қарама-қаршилик нима билан тугаши номаълум бўларди. Ҳозирги пайтда тергов ишлари группа олдида ҳали анча бўлса-да, охирлаб бормоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон партия ташкилоти олдида ҳам катта ишлар турибди. У бир тўда муртадлар ўзларининг шахсий мақсадлари йўлида адолатга зид ишларни амалга оширишга муваффақ бўлганлигининг, социализм принципларини бузганлигининг, республика экономикасини хонавайрон қилганлигининг, одамларни таҳқирлаганининг сабабларини аниқлаши ва тушунтириб бериши лозим. Бу нарса худди шундай бўлганлигини жиноятчиларнинг ўзлари ҳам инкор этмайдилар. Мана, улар терговда нималар дейишди:

«Ўзбекистонда порахўрлик, қўшиб ёзиш, талон-торож қилиш нормага айланди. Уларга қарши реал кураш олиб борилмади. Устига устак уларнинг ҳаммаси анъанавий меҳмондўстлик, планнинг бажарилиши зарурияти билан оқланиб, ниқобланди. Бу иш билан фақат областларнинг эмас, республиканинг раҳбарлари ҳам шуғулланишди».

«Порасиз биронта ҳам масала ҳал этилмасди. Ким пора берса, унга ҳамма нарсани беришарди. Масала ё лавозимдан кет, ёки жиноятчилар қонуни асосида яша тарзида қўйиларди. Ўзаро муносабатларда, ишлаб чиқариш ишларида ҳеч қандай объективлик, партиявийлик, батартиблик бўлмасди».

«Ғаразли мақсадларда очкўзлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш назоратсизлик ва ахлоқсизлик бирбирини қўллаб-қувватлаш ва сотиб олиш принципсизлик, юртдошлик ва қариндошуруғчилик, қўл остидагиларнинг ташаббусини бўғиш ва олий мартабали раҳбарлар ҳузурида хушомадгўйлик авж олганди».

«Мафия ҳеч нарсадан ҳазар қилмасди. У, маълумки лавозими ва ёши улуғ кишиларга бўйсуниш ҳамда уларнинг ҳоҳиш-иродасига қарши бормасликни тарғиб этувчи исломнинг активлашишига ҳам индамай йўл қўйиб беришгача борди».

Бундай «самимийлик» қилинган жиноятлар учун ҳисоб бериш зарурлиги олдида вужудга келган қўрқув дейиш мумкин. Мазкур яраслар ҳаётга қафас ортидан эмас, ўз уйларидан қараган пайтларида уларнинг фикр-ўйлари ҳам бошқача эди. Қилинадиган ҳаракатлар ва тафаккурлари ҳам бошқа эди. Ҳар қандай ўғри ва муттаҳам каби фақат бойлик орттиришни ўйлашарди. Ҳокимият тўғрисида ҳам ўйлашарди. Чунки улар учун ҳокимият аввало бойлик орттириш манбаидир. Шу интилиш йўлида ҳар қандай энг оғир таҳқирларга ҳам чидар эдилар. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретарларидан бири олган совғаларни пулга айлантирар, ушбу совғаларни республика Министрлар Советининг магазини орқали пулларди. У дўконга ўн тўрт минг сўмлик ароқ, тўнлар, мўйнали қалпоқлар топширди...

Ҳозир жиноятчилар қариндош-уруғларига, ишончли кишиларга уларда яшириб қўйилган пуллар ва бойликларни давлатга топширишни ўтиниб сўрамоқдалар. Жазони енгиллаштиришга умид қилмоқдалар. Нима ҳам дердик. Айбни бўйинга олиб бориш етказган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш, табиийки, суд ҳукмига таъсир этиши мумкин. Аммо бошқа жиҳати, республика экономикаси, одамларда социал адолатга бўлган ишончнинг йўқолганлиги масаласи нима бўлади?

МЕН тергов группаси аъзоси сифатида бир ҳафта ишладим. В. Кравченко, И. Иброҳимов, О. Литвак, Л. Пантелеева, Ю. Власов билан, бошқа терговчилар билан сўроқларда қатнашдим. Поралар, қўшиб ёзишлар, таъмагирлик билан орттирилган бойликларни инкор этмайдилар. Мана, улар терговда нималар дейишди:

...Тунда қишлоққа кириб бордик, ҳали қурилиб битмаган уй ёнида тўхтадик, хонадон соҳибларини — ёш йигитни, унинг ҳомиладор аёлини уйготдик. Уч нафар кичик ёш ўғлак наридан-бери ясалган каравотда ётишарди. Уй совуқ, камбағалона яшашарди. Оила нон ва чой билан қаноатланиб, зўрға кун кечирарди. Чунки оиланинг сарф-харажати катта. Мана иккинчи йилдирки, улар ҳозир яшаб турган уйни қуришмоқда. Колхоздан олаётган иш ҳақи эса унча кўп эмас. Нима учун бу ерга кирдик, бу ерда қандай қилиб ҳам бойлик бўлсин, деб ўзўзимизни ичимизда қойий бошладик. Уй эгаси эса:

— Йўқ, ҳеч нима йўқ — деб қайтарганни қайтарган. Лекин қандайдир ҳужрадан иккита сурғичланган сандиқ топилди. Уларда ўнлаб мўйналар ва мўйнасиз чарм пальтолар, импорт газламалар ўрамлари, пуллар, узук солинган тугунчалар, зеби-зийнатлар бор эди. Хотинларнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди: ахир, у бундай бойликни умрида кўрмаган эдида. Аммо мен учун энг муҳиши бошқа нарса бўлди. Бу ёш ўзбекларнинг бойликдан ҳайратга тушганлари, уларнинг кимларнигидир ана шу бойликларнинг ирғиб чириб кетишига йўл қўйишидан ҳайратга тушганлари эмас, балки уларнинг энди «хўжайинлар» олдида нима деб ҳисоб беришлари ҳақидаги ташвиш бўлди. Бу бўғма илон

ЙИЛГА ЯКУН ЯСАЛДИ

(Давоми. Бошы 1-бетда).

Агросаноат комплекси маҳсулотининг умумий ҳажми 460 миллиард сўмликдан кўпроқни ташкил этди ва 1986 йилга нисбатан 1,8 процент ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 0,2 процент, қайта ишлаш тармоқларининг товар маҳсулоти 3,5 процент кўпайди. Жамоат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги 2,5 процент; қайта ишлаш тармоқларида 3,9 процент ортди.

Шу билан бирга, бир қанча экинларни етиштириш ва харид қилиш ҳажмларининг пасайиши шунга олиб келдики, аввалги йилга нисбатан колхозлар ва совхозларнинг фойдаси барча фаолият турлари бўйича 1,6 миллиард сўмлик камайиб, 23 миллиард сўмликни ташкил этди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 19 процентдан 18 процентга камайди.

Барча категориялардаги хўжаликларда асосий деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш қўйидагича бўлди: дон — 211,3 миллион тонна; пахта — 8,1 миллион тонна; қанд лавлаги (саноатбоп) — 90 миллион тонна; қунғабоқар — 6,1 миллион тонна; картошка — 75,9 миллион тонна; сабзавот — 29,1 миллион тонна; мева ва резавор мевалар (цитрус мевалардан ташқари) — 7,9 миллион тонна; узум — 5,8 миллион тонна.

Мамлакатнинг кўпчилик регионларида картошка, сабзавот, мева ва резавор мева, узум бултургига қараганда камроқ йиғиштириб олинди.

Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон ва Эстония ССРнинг, РСФСРдаги 38 областнинг, Қозоғистон ССРдаги 11 областнинг хўжаликлари донли экинлар харид қилиш планини бажарди. Жавдар, тариқ, гречиха, макажўхори, арпа ва дуккакли дон экинлари бултургига қараганда кўпроқ харид қилинди. Умуминттифоқ фондига картошка, мева ва полиз маҳсулотлари етказиб бериш плани бажарилмади, уларнинг сифати пасайди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, Арманистон ССР ва Тожикистон ССРдан ташқари, барча иттифоқдош республикаларда 1986 йилга нисбатан кўпайди. Арманистон ССР билан Тожикистон ССРда сут етиштиришни камайтиришга йўл қўйилган. РСФСРдан ташқари барча иттифоқдош республикалар умуминттифоқ фондига чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш планини бажардилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш 1987 йилда аҳоли жон бошига сут маҳсулотлари истеъмол қилишни ўрта ҳисобда 343 килограммгача ва тухум истеъмол қилишни 270 донагача ёки СССРнинг Озиқ-овқат программасида 1990 йил учун кўзда тутилган даражагача етказиш имконини берди.

Арақ ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1986 йилга нисбатан 16 процент камайтирилди.

СССР Давлат агросаноат комитетининг корхоналари истеъмолчиларга 1,3 миллиард сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар. (план 98,8 процент бажарилди).

Пахта териш ва лавлаги йиғиштириш машиналари, трактор плуглари агросаноат комплексига планда кўзда тутилганига қараганда кўпроқ етказиб берилди, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг кўпчилик турлари эса асосан истеъмолчиларнинг воз кечишлари сабабли камроқ етказиб берилди. Тўйимли моддаларини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда 27,4 миллион тонна ёки бултургига нисбатан 0,9 миллион тонна кўпроқ минерал ўғит етказиб берилди.

Ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги товарларни улгуржи савдо қилишга ўтишга бошланди.

Агросаноат комплексини, жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга сарфланган капитал маблағлар 63 миллиард сўмни ёки белгиланган лимитнинг 101 процентини ташкил этди.

Барпо этилаётган ишлаб чиқариш қурилишлари миқдори 1986 йилга нисбатан 11 процент камайди. Давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланадиган ҳаражатлар улуши 1986 йилги 3,1 процент ўрнига 18 процентни ташкил этди. Машинасозлик комплексига ажратиладиган маблағлар ҳажми анча кўпайди. Социал соҳа объектлари қурилишига нисбатан қолдиқ қолдиришга асосан барҳам берилди.

1986 йилга нисбатан 9,2 миллиард сўмлик кўп асосий фондлар ишга туширилди. Пул билан таъминлашнинг барча манбаалари ҳисобидан капитал маблағ солиш 203,5 миллиард сўмликни ташкил этди. Асосий фондларни ишга туширишнинг топшириғи 92 процент ҳамда давлат корхоналари ва ташкилотларининг капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи 97 процент бажарилди.

Умуман қурилиш ташкилотларида пудрат ишлари плани 99,8 процент бажарилди. Қурилиш-монтаж ташкилотларининг салкам 40 проценти пудрат ишлари ҳажми планини, уларнинг деярли учдан бир қисми эса меҳнат унумдорлигини ўстириш планини бажармади.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг барча турлари билан 13 миллиард тоннадан кўпроқ юк жўнатилди ва план 1,4 процент ошириб бажарилди. Барча турдаги транспорт юк ва пассажирлар ташишда ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан топшириқларни уддалади. Барча турдаги транспортнинг пассажир обороти 2,5 процент кўпайди ва 1084 миллиард пассажир—километрга етди. Умумий фойдаланишдаги транспортда авариялар ҳамон кўплигича қолмоқда. Алоқа корхоналари асосий фаолиятдан даромад олиш планини бажардилар, 1986 йилга нисбатан алоқа хизматлари 6 процент кўпайди.

Аҳоли сони 1988 йилнинг бошига келиб 284,5 миллион кишини ташкил этди. 1986—1987 йилларда мамлакатда аҳолининг анча юқори ўсиш даражаси қайд этилди — 1981—1985 йилларидаги 2,4 миллион ўрнига йилига ўрта ҳисобда салкам 2,9 миллион киши кўпайиб борди.

Мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар таъсири остида, социал соҳа устун даражада ривожлантирилиши таъминланаётганлиги, унинг моддий базаси кенгайтирилаётганлиги, оилани мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилаётганлиги туфайли демография вазияти яхшиланмоқда. Аҳоли ўлими даражаси анча пасайди. Одамларнинг ўртача умр кўриш муддати қарийб икки йил кўпайди, ва ҳозирги вақтда 69,6 йилни ташкил этади. 1980 йилда 4,9 миллион чақалоқ туғилган бўлса, ўтган йил 5,6 миллион чақалоқ туғилди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг пул ҳисобидаги ўртача ойлик иш ҳақи 1986 йилдаги 196 сўм ўрнига 201 сўмни ташкил этди. Колхозчилар меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ 163 сўмдан 167 сўмга етди.

1987 йил планида кўзда тутилган иш ҳақини ошириш тадбирлари рўёбга чиқарилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида кўзда тутилганидек, ўқитувчилар ва халқ маорифининг бошқа ходимлари иш ҳақини ҳамма жойда ошириш ниҳоясига етказилди. Ғўдаклар уйлари, болалар уйларининг ҳамда етим болалар ва ота-оналарининг васийлигисиз қолган болалар учун мўлжалланган мактаб-интернатларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашдаги имтиёзлар кенгайтирилди. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасалари ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириш давом этмоқда.

Кўп сменали режимга ўтишда ишчи ва хизматчиларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида тунда ишлаганлик учун ортиқча ҳақ тўлаш билан бир қаторда, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларида кечқурунги сменадаги иш учун ҳам қўшимча ҳақ жорий этилди, маънавий ва моддий рағбатлантириш имкониятлари кенгайтирилди. Нон ёпиш ва макарон саноати корхоналари ходимларига тунда ишлаганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори кўпайтирилди.

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат коллективлари ишлаб топган маблағлар эвазига иш ҳақи оширилмоқда.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 162,5 миллиард сўмлик тўловлар ва имтиёзлар олди, бу эса 1986 йилдагига нисбатан 7,5 миллиард сўм кўпдир. Ана шу тўлов ва имтиёзларни қўшиб ҳисоблаганда, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 287 сўмга етди. Колхозчилар меҳнатига колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан тўланадиган ҳақ ойига 248 сўмни ташкил этди.

Болаликдан инвалид бўлиб қолган кишиларга нафақа миқдори кўпайтирилди, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига қўшимча имтиёзлар белгиланди, келин-куёвлардан никоҳдан ўтилгандан кейин бир йил мобайнида кам болали гражданларга солинадиган солиқ ундириш бекор қилинди. Бундан ўн йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ тайинланиб, ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига тўланадиган пенсиялар миқдорини ошириш давом этди.

Бемор болага қараш учун ҳақ тўланадиган давр 14 кунгача узайтирилди.

Доимий мактабгача тарбия болалар муассасаларида 17 миллион бола ёки тегишли ёшдаги болаларнинг 58 проценти тарбияланмоқда. Бунда 1,2 миллион бола белгиланган санитария-нормаларига хилоф тарзда мактабгача тарбия муассасаларига қатнамоқда ва ҳозир 1,5 миллион бола мактабгача тарбия муассасасига жойлаштирилиши керак. 1986 йилга нисбатан умумий таълим мактабларини, ҳунар-техника билим юртларини, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш кўпайди. Аммо уларни фойдаланишга топшириш плани фақат умумий таълим мактаблари бўйичагина бажарилди. Олий ўқув юртлари 0,8 миллион, ўрта махсус билим юртлари 1,3 миллион мутахассис тайёрлади.

Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғи кенгайди. Аммо касалхоналари ишга туширишнинг плани бажарилмади.

Меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиб, касал бўлиш ҳоллари камайганига қарамай, бетоблик, майиблик оқибатида; шунингдек бемор болаларни парвариш қилиш сабабли талайгина иқтисодий зарар кўрилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг медицина хизмати даражаси анча орқада қолмоқда. Медицина муассасаларининг моддий-техника базаси жиддий равишда мустаҳкамланиши зарур.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш жарақатланиш ҳамда ўлимнинг камайишига анча таъсир қилди. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўлим даражаси 1984 йилга нисбатан 20 процент камайди. Шунга қарамай, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўлим даражаси ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Болалар ўлимининг ҳозирги даражаси ҳали ҳам юқоридир.

Атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзалари булғаланишини камайтиришга, ер, сув, ўрмон ресурслари ҳамда минерал ресурслардан яна ҳам оқилона фойдаланишга, шунингдек ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва қайта тиклашга оид ишлар амалга оширилди.

* * *

Ун иккинчи беш йилликнинг икки йили тугади. Мамлакат қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйди. 1988 йилнинг январидан давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонуни амал қила бошлади.

Меҳнат коллективлари XIX Бутунитифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриб, ўз куч-ғайратларини беш йиллик учинчи йили планларининг бажарилишини таъминлашга сафарбар қилмоқдалар. (ТАСС).

ҲИНД ХАЛҚИ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бирга ҳинд халқининг миллий байрами — Республика кунини кенг нишонламоқдалар.

25 январь куни Тошкент жамоатчилиги вакилларининг Ҳиндистон республика деб эълон қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон пойтахтининг ўқув юртларида таълим олаётган ҳинд студентлари ва аспирантлари қатнашдилар.

Йиғилишда таъкидланишича, ҳинд халқи мустақил ривожланиш йўлига ўтиб, мустамлакачилик зулми оқибатидаги қолоқликни тарихан қисқа муддат ичида бартараф этиш учун кўпгина ишларни қилди. Совет халқи доимо Ҳиндистонга ҳар томонлама мадад ва кўмак бериб келди. М. С. Горбачев билан Р. Ганди ўртасида олий даражадаги учрашув, уларнинг тарихий Дехли декларациясини имзолаганлиги икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Бу ҳужжат янгича сиёсий тафаккур намунаси бўлиб, ер юзидаги барча одамлар орзу-истакларига мос келади.

Анъанавий совет-ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлиги халқларимиз фарровонлиги, тинчлик ва тараққиёт иши манфаатлари йўлида йилдан-йилга кенгайиб бораверади., Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бу дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, деб таъкидланди.

Йиғилишда Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Йўгендра Кумар сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Қ. Курбонов қатнашдилар.

[ЎзТАГ].

ЎЗБЕКИСТОН — АФҒОНИСТОН

САМАНГАНЛИК МЕҲМОНЛАР

Тошкент области ҳамда Афғонистон республикасининг Саманган вилояти орасидаги дўстлик ва маданий алоқалар тобора ривожланиб бораяпти. Шу кунларда ҳам қўшни дўст мамлакатнинг ушбу вилоятидан келган партия ва маҳаллий органлар вакилларидан иборат делегация Тошкентда меҳмон бўлиб турибди.

Мазкур делегация 1988 йилда областимиз ҳамда Саманган вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш планини ишлаб чиқиш ва бу ҳақдаги битимни имзолаш мақсадида ташриф буюрган. Унинг аъзолари ўтган куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлишди, «Саманган» магазини билан танишишди. Меҳмонлар Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводида бўлиб, унинг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. У ердаги социал, маданий-маиший объектларни бориб кўришди.

Делегация аъзолари область ижроия комитетида бўлдилар. Меҳмонларни область ижроия комитети раиси П. М. Абдураҳмонов қабул қилди. Суҳбат чоғида Саманган вилояти билан оталиқ алоқалари ва уларнинг келгуси ривожи ҳақида гап борди. Жумладан, Айбак шаҳрида дўстлик боғини бунёд этиш мўлжалланмоқда.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни эртага — 27 январь соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнашкашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, Киров район 2-давлат нотариал конторасининг нотариуси Мовжуда Мадалиева қабул қилади.

Жамоатчилик Совети қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТ БЕРИШ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ ТЎҒРИСИДА

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ — ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ САҚЛАШНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ҚУЛАЙ ФОРМАСИДИР.

Мазкур заём 100,50 ва 25 сўм қийматидаги облигацияларда 1982 йил 1 январдан 2002 йил 1 январгача бўлган 20 йиллик муддатга мўлжаллаб чиқарилган.

100 сўмлик облигация бир сериядаги икки номерли иккита эллик сўмлик облигациядан иборат. 25 сўмлик облигация эса эллик сўмлик облигациянинг ярми ҳисобланади.

ЙИЛИГА 8 ТИРАЖДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЙИГИРМА ЙИЛ ДАВОМИДА ЖАМИ 160 ТИРАЖ ЎТКАЗИЛАДИ.

15 февралда, 30 мартда, 15 майда, 30 июнда, 15 августда, 30 сентябрда, 15 ноябрда ва 30 декабрда.

СССР меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банки муассасаларида заём облигациялари бемалол сотилади ва сақлаш учун аҳолидан қабул қилинади.

Заём бўйича ютуқлар облигация қийматини ҳам қўшиб ҳисоблаганда эллик сўмлик облигацияларга 10000, 5000, 2500, 1000, 500, 250 ва 100 сўм қилиб белгиланган.

10 000 сўмлик ютуқ эгаси «Волга» ёки «Жигули» автомашинасини навбатсиз харид қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

5000 сўмлик ютуқ эгаси эса турли маркадаги «Жигули» автомашинасини сотиб олиши мумкин.

Автомашинанинг қиймати ва ютуқ миқдори ўртасидаги фарқ ютуқ чиққан облигация эгаси томонидан тўланади.

СССР МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТ БЕРИШ БАНКИ.
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги қошидаги
27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
1988—1989 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КЕНГ ПРОФИЛДАГИ ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ-СТАНОКЧИ, ДУРАДГОР ФАНЕРЧИ, ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАРНИ ҚОПЛОВЧИ, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ, ПРЕССЛОВЧИ, БЕЗАКЧИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

БАДИЙЙ ВА СТИЛЬ МЕБЕЛЛАРИ ДУРАДГОРИ, МЕБЕЛЧИ-ДУРАДГОР.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН МЕБЕЛЧИ-ДУРАДГОР.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги, 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, бепул ётоқ-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар.

3 йил муддатли ўқишни тамомлаганлар диплом оладилар. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий, ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга юборилади.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти янги замонавий комплексга жойлашган бўлиб, унда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.

Спорт комплексида бокс, енгил атлетика, волейбол, кураш, самбо, футбол, шахмат ва шашка секциялари фаолият кўрсатмоқда.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳол, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат, медицина справкаси (286/V форма).

МАШҒУЛОТЛАР 1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 4-квартал, (58, 75, 40, 99, 98-автобуслар; 19-троллейбуснинг «27-СПТУ» бекати).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ, ВОЛГОГРАД ТЕРГОВ ВА ГОРЬКИЙ ОЛИЙ МАКТАБЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 4 йил.

Мактабни тугатгач, «милиция лейтенанти», унвони, малакали юрист бутуниттифоқ дипломи берилади. Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, умумий ўрта маълумотли, ўқишга кирилаётган йилнинг 1 сентябрига қадар ёши 30 га етмаган, ўз саломатлиги жиҳатдан ички ишлар органларида ишлаш учун лаёқатли кишилар қабул қилинади.

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкентдаги махсус милиция ўрта мактабига, Чимкентдаги махсус раҳбар составини тайёрлаш ўрта мактабига ҳам ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 2 йил. Мактабни тугатгач, «Милиция лейтенанти», «Ички хизмат лейтенанти» унвони ва юрист дипломи берилади.

Ўқишга кириш шартлари СССР Ички ишлар министрлигининг олий ўқув юртлари билан бир хил.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700143, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 243-уй, кадрлар бўлими. Телефон 62-74-41.

Тошкент область халқ депутатлари ижроия комитети уй-жой коммуналь хўжалиги бошқармаси коллективи план молия бўлими бошлиғи У. Тўлаганова онаси

Инобат ТЎЛАГАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкентда бокс бўйича СССР 54-чемпионати давом этмоқда

● ТОШКЕНТ, 23 ЯНВАРЬ. «Юбилей» марказий спорт саройи.

А. Зуфаров фотолари.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Бундан тўрт йил илгари Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўраётган мамлакатимиз боксчилари мамлакат биринчилигини айни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилишган эди. Мана бу сафар ҳам навбатдаги олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг сўнгги босқичларидан ҳисобланган мамлакат чемпионати пойтахтимизнинг «Юбилей» марказий спорт саройида ўтказилмоқда.

Шу куни спорт саройи ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Зал ўртасига ўрнатилган ринг атрофига биринкетин иттифоқдош республикалар терма командалари аъзолари тўпланишди. Шундан сўнг республика давлат физкультура-спорт комитети раисининг ўринбосари Виталий Фен, чемпионат иштирокчиларини қизғин табриклаб, уларга олимпиадаолди синовидан муваффақиятли ўтишлари учун омад тилади.

Ватанимиз боксининг фахри ҳисобланган халқаро классдаги спорт мастерлари Исроил Акопкохян, Юрий Ваулин, Орзибек Назаровлар СССР Давлат гимни садолари остида мусобақа байроғини кўтаришди. Республикамизнинг таниқли эстрада артисти Мансур Тошматов эса боксчиларга бағишланган қўшиғини ижро этди.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг спортчилар ўз жойларини эгалладилар. Рингга чемпионатнинг дастлабки қатнашчилари таклиф этилди. «Жанг»ни украиналик В. Кравцов ҳамда эстон боксчиси Т. Павлюкович бошлаб берди. 60 килограммгача бўлган бу вазн тоифасидаги баҳсда украиналик боксчи ғолиб чиқди. Иккинчи бўлиб рингга чиққан халқаро классдаги спорт мастери Константин Цзю ҳамда унинг рақиби Адилкан Бекбўлатовнинг (Қирғизистон ССР) баҳси мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Бу «жанг»да Константин Цзю ғолиб бўлди. У биринчи куни рингга чиққан боксчилар орасида энг яхшиси деб топилди.

Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Матназар Матчонов арманистонлик Александр Каракезов билан учрашди. Бу баҳсда республикамиз терма командаси аъзосининг қўли баланд келди. Биринчи куни мусобақалар ғолиблари орасида республикамиз аъзоларидан яна бири Фарҳод Усмонов ҳам бор. У 75 килограммгача вазнлилар орасида қозоғистонлик А. Кушковни мағлубиятга учратди. Шу вазнда тушган яна бир вакилимиз А. Тукушев эса РСФСР терма командаси аъзоси О. Гараевга ютқазиб қўйди.

Чемпионатнинг иккинчи куни республикамизнинг уч боксчиси рингга чиқди. Уларнинг барчаси ўз рақибларига ютқазиб қўйишди. Булар 71 килограммгача бўлган вазнда И. Бунин, О. Андрианов ҳамда Н. Атаковлардир учинчи куни рингга чиққан ўзбекистонлик 6 боксчидан бор-йўғи икки нафари ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Бу 91 килограммгача бўлган тоифада Ринат Тришчев ҳамда 60 килограммгача вазнлилар ўртасида Артур Григорьян. Ринат ўз вазн категориясида РСФСР терма командаси аъзоси Анжей Чолокянни мағлубиятга учратган бўлса, Артур ленинградлик М. Литвинов устидан ғолиб чиқди. Аммо биринчи кунги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Матназар Матчонов РСФСРлик боксчи Элдор Магомедовга учинчи раунднинг тугашига саноқли дақиқалар қолганда ютқазиб қўйди.

Рингга чиққан ўзбекистонлик 10 боксчидан 8 нафари мусобақани давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Чемпионатда Арманистон, ҳамда Қозоғистон ССР боксчилари муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Редактор ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32

Р. 00352. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. А. 1530. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12